## 1 – Мавзу: Жиноят хукуки тушинчаси, вазифалари, тамойиллари ва тузилиши.

### Жиноят Хукуки фани.

Режа: 1.Жиноят хукуки тушунчаси ва предмети.
2.Жиноят хукукининг вазифалари .
3.Жиноят хукуки фани.
4.Жиноят хукукининг принциплари.

Жиноят хукки хукук тизимининг бир тармогидир. Жиноят хукки Олий давлат хокимияти органи томонидан урнатилган, конун билан курикланадиган ижтимоий муносабатлар учун хавфли булган тажовузларнинг жиногят эуканлиги ва жазога сазоворлигини, жазо чоралари тайинлаш шартлари ва тартибини, хамда жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод килишни белгиловчи хукукий нормалар йигиндисидан иборат. Жиноят хуккининг асосини хукукнинг бошка тармокларидаги каби Узбекистон Республикаси ташкил килади. Жиноят хуккий нормалар (моддалар) уз мазмунига кура 2 гурухга булинади. 1-гурухга Жиноят хуккининг жиноят ва жазога тегишли умумий коидалари, принциплари ва институтлари мустахкамлаб куйилган нормалар киради. 2-гурухга алохида жиноятлар ва бу жиноятларнинг белгиларини, жазо чораларини белгиловчи нормалар киради.

Жиноят хукукининг услуби шахсга, давлат ва жиноят учун хавфли булган килмишнинг жиноятлигини ва жазога сазоворлигини аниклаш, жиноят конуни билан такикланган килмишни содир килган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жиноий жазо куллашда ифодаланади. Жиноий жазо куллаш факат конун даражасидагина амалга оширилади. Узбекистон Республикаси Конституциясининг 26 –моддасида : «Жиноят содир этганликда айбланаетган хар бир шахснинг иши судда конуний тартибда, ошкора куриб чикилиб, унинг айби аникланмагунча у айбдор хисобланмайди. Судда айибланаётган шахсга узини химоя килиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади – дейилади.

Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 2-моддасида белгиланишига кура Жиноят хукукининг вазифалари **шахсни, унинг** Узбекистон Республикаси Жиноят хукукини хар кандай партиявийлик, синфийликдан юкори туради ва факат жиноят аъзоларининг манфаатлари учун хизмат килади. Шундай килиб Узбекистон Республикаси Жиноят хукуки Жиноят хукукининг вазифалари ва принципларини Жиноят хукукининг амал килиш доирасини жиноят ва жавобгарликнинг асосларини, жавобгарликдан озод килишни, жазо тайинлаш ва жазодан озод килишни, вояга етганларнинг жавобгарлиги ва тиббий йусиндаги мажбурий чораларни кулланишини урганувчи хукукий фанлар.

Жиноят хукукининг принциплари деганда, Жиноят хукуки нормаларида мустахкамлаб куйилган, унинг умуман мазмунини ва алохида институтлари мазмунини белгиловчи назарияларининг гоялари тушинилади. Жиноят хукуки принциплари 7 та булиб,

1. Конунийлик принципи Жиноят конунига мувофик раввишда суд шахсни жиноят содир килишда айибли деб топиши ва унга нисбатан конунга мувофик равишда жазо тайинлаш мумкин.

2. Фукароларнинг конун одлдидаги тенглиги принципи. Жиноят содир этган шахслар жинси, ирки. Миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътикоди, шахсий ва ижтимоий мавкеидан катъий назар, бир хил хукук ва мажбуриятларга эга булиб, конун олдида тенгдирлар.

3. Демократизм принципи. Ушбу принципда жиноят содир килган шахслар ахлокдан тузатиш ишида, жамоат бирлашмалари, фукароларнинг узининг узи бошкариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлокини тузатиш ишига конунда назарда тутилган жалб килинишлари кузда тутилган.

4. Инсонпарварлик принципи. Шахсни енгилрок жазо кууллаш оркали тузатишнинг иложи булмасагина огиррок жазо чораси кулланилиши мухим инсонпарварлик принципллари.

5. Одиллик принципи. Жиноят содир этишдда айибдор булган шахсга нисбатан кулланиладиган жазо ёки бошка хукукий таъсир чораси одилона булиши яъни жиноятнинг огир-енгилига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавлилик даражасига мувофик булиши керак.

6. Айб учун жавобгарлик принципи. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун энг аввало унинг айиби исботланган булиши керак, яъни жиноят кастдан ёки эхтиётсизликдан содир этилганлиги аникланади. Демак шахс конунда белгиланган такдирда айби исботланган ижтимоий хавли килмиши учунгина жавобгар булади.

7. Жавобгарликнинг мукаррарлиги принципи. Килмишда жиноий таркибнинг мавжудлиги аникланган хар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт шахснинг жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод килиниши агар бунга асослар мавжуд булса конунда курсатилган холларда факат суд томонидан хал килинади.

## 2 – МАВЗУ: Ж И Н О Я Т   К О Н У Н И .

Режа: 1.Жиноят конуни тушунчаси, мохияти ва унинг узига хос хусусиятлари.

2.Амалдаги жиноят конуни, унинг тизими ва жиноят конуни нормаларининг тузилиши

3.Коденкснинг Узбекистон худудида ва Узбекистолн худудидан ташкарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан тадбик этилиши.

4.Жиноят конунининг вакт буйича амал килиши.

5.Жиноят конунларини шархлаш.

Узбекистон Республикаси Конститутциясининг 1-моддасига асосан Узбекистон суверен демократик республикадир. Конун хукукий давлатнинг пойдевори булиб, фукароларнинг эркинлик ва тенглигини жамиятдаги тартиб ва уюшкокликнинг химоячиси, одиллик принципининг кафолати хисобланади. Умумий хукук тизимида жиноят конуни алохида урин эгаллайди. У ижтимоий муносабатларни тартибга солибгина колмасдан балки уларни хукукка хилоф тажовуслардан химоя хам килади. Жиноят конуни Узбекистон Республикаси Олий давлат хокимияти органларини Олий Мажлиснинг норматив (меъёрий) хужжати булиб, Жиноят хукукининг умумий принциплари ва вазифалари булиб айрим жиноят килишларни белгилари ва улар содир этганлик учун жазо чораларини белгилайди. Шахс томонидан Жиноят Кодексининг муайян (аник) бир моддасида кузда тутилган жиноят содир этилганлар ёки жиноятни содир этишга тайёргарлик курганлигида ёхуд жиноятга суикасд килгандагина жиноят конуни кулланилади. Жиноят конуни жиноят содир этган шахслар конунда амалда кулловчи давлатнинг хукукни мухофаза килиш органлари уртасида вужудга келадиган Жиноий-хукукий муносабатлар доирасидагина куллаш мумкин. Жиноят хукуки Жиноят хукукининг ягона манбаи хисобланади. Бошка хеч кандай норматив акт суд прециденти, суд карори, урф-одат кабилар унинг манбаи була олмайди.

Жиноят Кодексида жиноят деб хисобланадиган килмишларнинг аник ва катъий руйхати уз аксини топган. Давлат органлари бошка хеч бир актида жиноий-хукукий нормалар булиши мумкин эмас. Республика Олий суди Пленуми карорларида янги нормалар яратилмайди, балки жиноят конунидаги нормаларнинг мазмун ва мохияти очиб берилади ва амалда кулланилишга тушинтириш берилади.

Жиноят хукуки норматив хукукий акт булиб, халкнинг эрки ва иродасини ифодалаш учун мамлакатнинг олий конун чикарувчи хокимия органлари томонидан кабул килиниб, умумхалк референдуми йули билан кабул килади.

Жиноят хукуки икки кисмга яъни Умумий ва Махсус кисмларга булинади. Умумий кисмда Жиноят хукуки, Жиноят хукукининг вазифалари, умумий коидалари ифодаланган. Махсус кисмда эса муайян жиноятлар ва шу жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

Узбекитстон Республикаси Махсус кисмида 4 та турдаги диспозиция назарда тутилган. Булар: Оддий диспозиция, тасвирлов диспозиция, хаволаки ва бланкет диспозициялар. Конунда содир этилган Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятидан келиб чикиб, унга санкция-жазоси белгиланган. Санкция деб, Жиноят Кодексининг Махсус кисми моддасининг диспозициясида назарда тутилган. Жиноят учун белгиланган жазо тури ва микдорини белгиловчи кисмга айтилади. Жиноят хукукида 2 турдаги яъни нисбий, муайян ва альтернатив санкциялар кузда тутилган.

Узбекистон Республикасинингмустакиллигига асосланган тамойилга кура, Узбекистон худудида жиноят содир этган шахс Республикамиз Жиноят Кодексига биноан жавобгарликка тортилади.

Жиноят Кодексининг 11-моддаси уз аксини топган жиноят конуннинг худуд буйича амал килиш тамойили куйидаги тушинчалар аниклаб олиш зарурлигини курсатади: а) Узбекистон Республикаси худуди; б) Узбекистон Республикаси Жиноят Хукуки амалда булган республика худудидан ташкаридаги обеъктлар ва зоналар; в) Жиноят содир этилган жой; г) Чет эллик фукаролар (хусусан дипломатик вакиллар) ва фукаролиги булмаган шахсларнинг Узбекистон Республикаси худудида содир этган жиноятлар учун жавобгарлиги; е) Фукаролиги булмаган ва чет эл фукароларининг бошка давлат худудида содир этган жиноятлари учун жавобгарлик.

Узбекистон байроги остида сузаётган харбий кемалр ва иелу\юпкалар, харбий самалётлар, верталётлар каерда булишларидан катъий назар Узбекистон худуди хисобланади. Икки давлатнинг конуни кулланилади. Ва шу давлатнинг конунга асосан жавобгар булади. Узбекистондан ташкарида доимий яшовчи чет эл фукаролари билан бир каторда умумий коидалар асосида жавобгарликка тортиладилар. Жиноят Кодекси 11-моддаси 4 кисми бундан мустаснодир. Жиноят Кодексининг 12-моддаси 1-кисмдан; Узбекистон Республикаси фукаролари, шунингдек Узбекистон Республикасида доимий яшовчи фукаролиги булмаган шахслар, башарти бошка давлат худудида содир этган жиноят учун уша давлат судининг хукми билан жазоланган булмаса ушбу Кодекс буйича жавобгарликка тортиладилар. Жиноят Кодекси 12-моддасининг 3-кисмининг мазмуни шундан иборатки, хар бир давлат унинг худудида халкаро битимларда кузда тутилган жиноятларни содир этган чет эл фукароларига нисбатан уз жиноят килмишларини куллаш хукукига эгадир.

Узбекистон Республикасида «Конун ва бошка актларнинг чоп этилиши ва кучга кириши тугрисида»ги конун кабул килинган. Конуннинг Олий Мажлис томонидан Узбекистон Конституциясида белгилаб куйилган тартибда кабул килинган куни унинг кабул килинган вакти хисобланади. Жиноят Хукукининг амалда булиши куидаги холларда; а) у бекор килинганда; б) унинг урнига бошка конун кабул килинганда; в) Конунда курсатилган амл килиш муддатининг тугаганлиги ёки конун кабул килинган шарт-шароитларнинг узгариши муносабати билан тухтайди.

Жиноят Хукукини шархлашнинг мохияти конуннинг мазмунини Олий Мажлис хохиш-იродасига аник, мос келган холда тушинтиришдан иборатдир. Конун шархлашнинг бир неча турлари булиб, а) аутентик (очик) шархлаш, б) суд томонидан шархлаш, в) илмий шархлаш.

Конун томонидан ваколотланган давлат хокимияти орган томонидан амалга ошириладиган шархлаш аутентик (очик) шархлаш дейилади. Узбекистон Республикаси Конституциясига биноан Олий Мажлис шундай орган хисобланади. Конунни суд томонидан шархлаш конкрет иш буйича Конун нормасини куллаш юзасидан бериладиган шархлардир. Суд томонидан шархлашнинг узига хос турлари Узбекистон Республикаси Олий суди Пленуми карорларидаги Конун шархлари хисобланади. Олий суд Пленумининг бундай тушинтиришлари Узбекистондаги барча судлар учун мажбурийдир. Илмий маколалар, монографиялар, дарсликлар, лекциялар ва юрист олимлар хамда амалиёт ходимларининг Жиноят Хукуки масалаларига багишланган тушинтиришлари – конунга берилган шархлар илмий шархлаш хисобланади. Бу шарх мажбурий кучга эга эмас, аммо суд амалиётини умумлаштиришга асосланган булиб, Жиноят Хукукини тугри тушиниш ва куллашда мухим ахамиятга эга.

## 3-Мавзу: ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ.

Жиноий жавобгарлик тушинчасини урганиш билан Жиноят Хукуки шугулланади. Жамият уз аъзоларига муайян хукук ва эркинликлар берар экан, уларнинг олдига ана шу хукук ва бошка мажбуриятларни бажариш талабини хам куяди. Узбекистон Республикасининг 19-моддасида; Узбекистон Республикаси фукароси ва давлат бир-бирига нисбатан булган хукуклари ва бурчлари билан узаро богликдир. Фукароарнинг Конституция ва конунларда мустахкамлаб куйилган хукук ва эркинликлари дахилсиздир, улардан суд карорисиз махрум этишга ёки уларни чеклаб куйишга хеч ким хакли эмас, дейилади. Фукаролар уз хукук ва эркинликларини амалга оширишда давлат ва жамиятнинг конуний манфаатлари, хукуклари ва эркинликларига путур етказсалар ёки уонун билан курикланадиганижтимоий муносабатларга тажовус килсалар, тегишли равишда жавобгарлик хам вужудга келади. Ана шундай жавобгарликнинг энг огири жиноий жавобгарликдир. Жиноий жавобгарлик жиноят конунни нормалари билан курикланадиган ижтимоий муносабатларга жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши мумкин булган тажовуз килингандагина жиноий жавобгарлик вужудга келади.

Узбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг 16-моддасида жиноий-жавобгарлик тушинчаси берилган булиб, «У жиноят содир этишда айбдор булган шахсга нисбатан суд томонидан хукм килиш, жазо ёки бошка хукукий таъсир чораси кулланишда ифодаланадиган жиноят содир этишнинг хукукий окибатидир" деб таърифланади.

Жиноий жавобгарлик тушинчаси бир катор хукукий окибатларнинг келиб чикиши билан богликдир.

1. Хар кандай жиноятни содир этиш энг аввало шахсни жиноий жавобгарликка тортиш фактни келтириш чикаради. Жиноий жавобгарлик эса шахсни жиноий жавобгарликка тортиш конун нормаларинитатбик килиш оркали жиноий жавобгарликдан озод килишниннг кулланишига сабаб булади. Демак, жиноий жавобгарлик жазо куллаш билан боглик булган тушинча булиб, жиноий жазо куллаш хар доим жиноий жавобгарликнинг окибатидар. Аммо жиноий жавобгарлик хар доим хам жазо кулланиши билн боглик булмай, жиноий жазодан озод килиши билан хам боглик булиши мумкин. Жумладан Узб. Рес. Жиноят Кодексининг Умумий кисми 6-бобида жавобгарликдан озод килиш, 7-бобида жазодан озод килишнинг кулланиши мумкин буган нормалар курсатилган.

2. Жиноий жавобгарлик жиноий хукукни нормалари кулланилишининг окибатидир. Фукаролик жавобгарлиги асосан бузилган хукукни тиклаш ёки мулкий харакатдаги жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик са маъмурий такиб килингандан жавобгарликнинг, интизомий жавобгарлик эса корхона, муассаса, ташкилотнинг ички тартиб коидаларини бузганлик учун кулланиладиган жавобгарлик.

3. Жиноий жавобгарлик субъектнинг жиноят хукуки билан такикланган килмишни содир этишда ифодаланган хулки учун кулланадиган давлатнинг мажбурлов чорасидир. Жиноят Кодексининг махсус кисмида курсатилмаган ва жиноий жазо белгиланмаган зарарли окибат келтириб чикарган килмишлар жиноят хисобланмайди ва Жиноий жавобгарликни вужудга келтирмайди.

4. Жиноий жавобгарлик факат жиноят содир этилган шахс билан давлат уртасида вужудга келган жиноят хукукий муносабатлардир. Жиноят – хукукий муносабатлар жиноят содир этилган пайтдан бошланади. Жиноят хукукида Жиноий жавобгарликнинг асослари мухим жиноят хукукий муоммоларидан биридир. Узб. Рес. Ж.К.нинг 16-моддаси 2-кисмида Жиноий жавобгарликнинг асосларига: "Ушбу Кодексда назарда тутилган жинояит таркибининг барча аломатлари мавжуд булган килмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос булади" деб таъриф берилган.

## 4-Мавзу: ЖИНОЯТ 4ВА ЖИНОЯТЧИЛИК ТУШИНЧАСИ.

Ижтимоий хавфли килмишни жиноят деб хисоблаш ва жиноят хукукида жиноят тушинчасини ишлаб чикиш гоят мураккаб ишдир. Чунки хар бир давлатда узининг ижтимоий тузуми, шу давлатда яшаётган ахолининг турмуш тарзи, миллий хусусиятилари, урф-одатлари, анъаналари ва хо козоларга караб муайян ижтимоий хавфли килмишни жиноят деб хисоблаш масаласи хал килинади.

Ж.К. Махсус кисмида жиноятларнинг каъий руйхати берилган булиб, бу жиноятларни шартли шартли равишда 2гурухга булиш мумкин :

1. 1. Криминалогик жиноятлар.
2. 2. Жиноят-Хукуий жиноятлар.

Криминологик жиноятлар инсоният тарихининг барча боскичларида ижтимоий хавфли хисобланиб, кабул килинган одат ахлок ва конун нормалар билан такиб килиб келинган.

Буларга: Масалан, одам улдириш, баданга шикаст етказиш, угрилик, талончилик, фрибгарлик, боскинчилик, карокчилик вахокозоларни киритиш мумкин. Жиноят – хукукий жиноятлар эса муайян бир дарди ижтимоий хавфли тус олиши муносабати билан жиноят деб хисобланади. Ва жиноят конунининг тегишли нормалари билан таъкиб килади. Мас: Собик Совет Иттифоки даврида чайковчилик жиноят хисобланган булса, хозир бу тижорат деб аталари ва таъкиб килинмайди.

Хар кандай ижтимоий хавфли килмишни жиноят деб хисоблаш учун барча жиноятлар учун зарур булган жиноятнинг белгилари ишлаб чикилган. Шунингдек, шу жиноятда айибли эканлик ва айбнинг шакиллари ишлаб чикилган ана шу белгилари ва айбнинг бирор бир шакли мавжуд бусагина килмиши жиноят деб хисобланади. Бу белгилар куидагилар:

1. килмишнинг ижтимоий хавфлилиги.
2. айбнинг мавжудлиги.
3. килмишнинг хукукга хилофлинги.
4. килмишнинг жазога сазоварлиги

Жиноятларни у ёки бу белгиларига караб туркумларга (гурухларга) ажратиш жиноятларни таснифлаш деб аталади. Уз. Рес. Жиноят хукукида жиноятларни жиноятларни таснфлашнинг 2та тури назарда тутилган.

1.Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига караб таснифлашди.
2.Жиноятларнинг объектига караб таснифлаш.

Ж.К.нингМахсус кисмида назарда тутилган барча жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига караб 4та туркумга булинган:

1. 1. Ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар
2. 2. Унча огир булмаган жиноятлар
3. 3. Огир жиноятлар
4. 4. Ута огир жиноятлар.

Ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятларга конундан озодликдан махрум килишга нисбатан енгилрок жазолар назарда тутилган жиноятлар курсатилади.

Унча огир булмаган жиноятларга кассдан содир этилиб, конунда бешйилдан куп булмаган муддатга озодликдан махрум килиш, тарикасидаги жазо назарда тутилган жиноятлар шунингдек эхтиётсизлик оркасидан содир этилиб, конундан озодликдан махрум килиш тарикасидаги жазо назарда тутилган жинеоятлар киради.

Огир жиноятларга касддан содир этилиб, конунда огир жазо сифатида беш йилдан ортик, лекин ун йилдан куп булмаган муддатга озодликдан махрум килиш назарда тутилганжиноятлар киради.

Ута огир жиноятларга  кассдан содир этилиб конунга ун йилдан оритк муддатга озодликдан махрум килиш ёки улим жазоси назрда тутилган жиноятлар киради.

Жиноятлар объекутга караб караб таснифлаш Ж.К.махсус кисмда жиноятларни махсус объектга караб гурухларга ажратиш ва махсус объектнинг ахамиятига караб Ж.К.да жойлаштирилади.

Хукукбузарлик жиноий, маъмурий, интизомий, фукаровий мехнат, оила хужалик, ер, сув, экология, хаво ав бошкалардан иборат булиши мумкин. Ана шу хукукбузарлик ларни 4та гурухга ажратиб олиш мумкин: жиноий, маъмурий, интизомий, фукоровий.

Факат Ж.К. назарда тутилган ва жазо белгиланган килмишларгина жигоят хисобланса, маъмурий хукукбузарлик  Уз.  Рес. Ол. Маж.нинг карори, Уз. Рес, Президентининг фармонлари, Вазирлар Махкамасининг карорлари, Вазирлар кенгашининг карорлари, халк депутатлари ва Тошкент шахар кенгашиларининг, вилоят ва Тошкент хокимларининг карорларини бузишдан иборат  булиши мумкин.

Интизомий хукукбузарлик-давлат ва хизмат вазифасини бажариш интизомни бузиш харакатларидан иборат. Фукаровий хукукбузишлар мулкий шахсий ва бошка мулкий булмалар мунасабатларни бузишдан иборатдир.

Жиноятчилик, унинг сабабалари, жиноятчиликнинг олдини олишнинг илмий асосланг чораларни ишлаб чикиш масалалари Криминалогик фани урганадаи.

Хар бир алохида олинг жиноятнинг сабабани аниклаш учун учта асосан урганилиши керак.

1. 1. шахснинг узини унинг шахсидаги жиноятига хос булган сифатлар.
2. 2. Жиноятчининг шахси шаклланган ижтимоий мухит.
3. 3. Жиноят содир булинишига олиб келган вазиятдан.

Хар бир жиноятниг содир этилиши асосининг барчаси урганилиши керак. Шундангина жиноятнинг туб сабабни аниклаш мумкин.

## 5-Мавзу: ЖИНОЯТ ТАРКИБИ.

Жиноят таркиби хакидаги таълумот Ж.Х. фани марказий масалаларидан биридир. Ижтимоий хавфли килмишнинг жиноятлигини аниклаш (криминализация) воситаси факат жиноят таркибидир. Жиноийликни аниклаш бирон-бир аник жиноий хатти-харакатларни, агар узида бирон-бир жиноят таркибининг аломатларини мустахкамлантирган булса, конун буйича жавобгарликни белгилашдир. Жиноят таркибининг максади жиноийлигини аниклашдир. Жиноятни таснифлаш жараёни бир неча боскичдан утади. 1-боскич шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли килмишнинг доимий холатлари аниклашдир. 2-боскичда Жиноят таркибини уз ичига олувчи муайян бир моддани аниклаш зарур. 3-боскичда таккослаш утказилиши, ёки шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавли килмиш билан муайян жиноий – хукукий нормасининг ухшашлигини солиштириш зарур. Факат шу боскичдан кйингина шахснинг хатти харакатларида жиноят таркиби бирлиги хакида суз юритиш мумкин булади ва улар учун шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жиноят таркибининг бир неча вазифаси булиб, булар:

1. Жамият учун хавфли килмишнинг жиноийлигини аниклаш воситаси.
2. Жиноий жавобгарлик учун асос булиши.

3. Жиноийлик даражасини аниклашда конунчилик намунаси булиши.

4. 4. Жиноятларнинг фаркловчи восита сифатида хизмат килиши.

Жиноят таркибининг 4 томони элементлар оркали таърифланса, хар бир томони эса муайян аломатлар оркали ифодаланади.

Объектив аломатлар деганда Жиноят объекти ва Жиноятнинг объектив томонларини таърифловчи аломатлар назарда тутилади, объектив аломатлар деганда эса Жиноятнинг субъектив томони ва Жиноят субъектини ифодаловчи аломатларига айтилади.

Жиноят объекти жиноий тажовуз каратилган ва ана шу тажовуз оркали унга зарар етказилиши мумкин булган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят хар кандай Жиноят конуни билан курикланувчи ижтимоий муносабатларга, масалан, шахснинг хаёти, соглиги, кадр-кимматига, давлат манфаатлари сохасига одил судловни амалга оширишга хужалик ёки иктисодий фаолият ва бошкаларга зиён етказади.

Жиноятнинг икки элементи, объектив томонидир. У жиноят содир этишнинг ташки томонини ифодаловчи элементлардир. Демак, ижтимоий хавфли харакат ёки харакатсизлик ва унинг амалга оширилиши натижасида келиб чиккан окибатлари уртасидаги сабабий богланиш, шунингдек, факултатив белгилар, жойи, вакти, усули, шароити жараёнини амалга ошириш куроли ва воситаси сингари зарурий белгилардан иборат.

Жиноятнинг уч элементи унинг субъектив томонидир. У жиноий килмишни ички томони булиб шахснинг узи килган ижтимоий – хавфли килмиши ва унинг окибатларига булган рухий муносабатини курсатади. Жиноят таркиби томонини туртинчи элементи у содир этган шахсдир, яъни жиноятни субъектидир. Ижтимоий – хавфли харакат содир этган шахс акли расо булиши лозим.

Жиноят таркибининг турлари:

Жиноятларнинг ижтимоий хавлилиги даражасига караб куйидагича ажратиш мумкин.

1. 1. Асосий (оддий) таркиби.

2. 2. Огирлантирувчи таркиби.

3. 3. Енгиллаштирувчи таркибили жиноятлар.

Жиноятларниннг тузилиши буйича уларни модий, формал ва кесик таркибларга ажратиш мумкин.

## 7-Мавзу: ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ

Жиноятнинг объектив томони ижтимоий – хавфли килмишнинг ташки томони булиб, жиноятнинг кандай содир этилишни курсатади. Айнан ижтимоий хавфли килмишнинг ташки томони бир жиноятни иккинчисидан ажратиш имконини беради, чунки 1 та объектга тажовуз килиш ижтимоий – хавфли килмиш характери ва даражаси буйича умуман бошка булиши мумкин.

Объектив томони асосан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Махсус кисми моддалари диспозицияси ва бандларида курсатилади. Айнан модданинг диспозициясида жиноятнинг объектив томони таърифланади, курсатилади.

Хар кандай жиноятнинг жиноий натижасига турли хил харакатлар, айрим холларда харакатсизлик йули билан эришилади.

Айрим холларда жиноятнинг охирига етказилган деб топилиши учун кандайдир аник окибат юзага келиши керак (моддий таркибли жиноят), бошка холларда содир этилган ижтимоий – хавфли килмишнинг узи учун (келиб чикадиган окибатни келиб чикишини талаб килмасдан, формал таркибли жиноят) жавобгарлик белгиланади. Куриниб турибтики, айнан жиноятнинг объектив томони моддий ва формал таркиби жиноят эканлигини ажратиш имконини беради. Шунинг учун таъкидлаш лозимки, хар кандай жиноятнинг объектив томони килмишидан иборат.

Демак, моддий таркибли жиноятлар объектив томонларининг зарурий белгилари куидагилардан иборат.

1. 1. Ижтимоий – хавфли килмиш (харакат ёки харакатсизлик).
2. 2. Ижтимоий – хавфли окибат.
3. 3. Ижтимоий – хавфли килмиш билан келиб чиккан окибат уртасидаги сабабий богланиш.

Формал таркибли жиноятларнинг зарурий белгиси ижтимоий – хавфли килмиш (Харакат ёки харакатсизлик)дир.

Хар кандай жиноят узининг объектив белгилари буйича ижтимоий – хавфли харакат ёки пассив хулк (харакатсизлик) йули билан содир этилади.

Инсоннинг хар кандай килмиши хар доим онгли ва акл-иродаси буйича содир этилади. Шунинг учун уз харакатларининг ахамиятини англай олмган ёки харакатларни бошкара олмаган шахс харакатлари, хатто ижтимоий – хавфли окибатларга олиб келган такдирда хам ижтимоий – хавфли жиноят хисобланмайди.

Жисмоний зурлик, деганда шахсни бошка шахсларнинг жисмоний таъсирида жамият учун хавли килмишларнинг амалга оширилиши тушинилади ва бунда жисмоний таъсир унинг ихтиёрини бутунлай кулдан олиб куяди. Масалан: Жиноятчилар коровулнинг кул-оёкларини боглаб нарсаларни угирлаб кетади). Бундай холат жиноий жавобгарликни истисно килади.

Ижтимоий – хавфли килмиш зарурий мудофаа холатда содир этилган такдирда шундай жавобгарликка тортилмайди.

Рухий мажбурлаш, дейилганда шундай холлар тушиниладики, унда шахс кандайдир (улдириш билан куркитиш, моддий ёки маънавий зарар етказиш билан куркитиш) содир этилган харакат ёки харакатсизликдан ижтимоий – хавфли окибатда келтириб чикаради.

Рухий таъсир натижасида етказилган зарар учун охирги зарур холларидан ташкари барча холларда жавобгарликка тортилади. Бирок жазо тайинланганда суд бу холатларни жавобгарликни енгиллаштирувчи холат деб хисобга олиш керак.

Жиноий килмиш хар доим факат ижтимоий – хавфли булибгина колмасдан, балки гайриконуний харакат хамдир, яъни жиноий – хукукий нормалар билан курикланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз килишдир.

Килмишнинг ижтимоий – хавфлилиги, гайриконунийлиги, жиноий жазога сазоворлиги ва айиблик жиноятининг зарурий белгиларидир.

Агар килмишнинг жавобгарликни истисно килувчи холларда содир этилса, жиноят таркиби хам мавжуд булади.

Куйидаги холатлар килмишнинг жиноийлигини истисно киладиган: кам ахамиятли килмишлар; зарурий мудофаа; охирги зарурат; ижтимоий – хавфли жиноят содир этган шахсни ушлаш чогида зарар етказиш; буйрукни ёки бошка тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хужалик фаолияти билан боглик булган асосли таваккалчилик холатлари деб аталади. Улар асосан фойдали харакатлардир.

Килмиш харакатсизлик йули билан хам содир этилиши мумкин. Масалан: касб юзасидан уз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (116-модда) хавф остида колдириш (117 –мод), мулкни куриклашга виждонсиз муносабатда булиш (172-мод.), муносабатга совукконлик билан караш (207-мод.), хокимият харакатсизлиги (208мод.). суд карорини бажармаслик (232-мод.), жиноят хакида хабар бермаслик ёки уни яшириш (241-мод.) ва бошкалар.

Моддий таркибли жиноятнинг объектив томонининг 2-зарурий белгиси – жиноий окибатлардир. Жиноий окибат деганда килмишнинг содир этилиши натижасида жиноят хукуки билан курикланаётган ижтимоий муносабатларда юз берган узгаришни тушиниши керак. Окибат ижтимоий муносабатларга тугридан-тугри зарар етказади ёки бевосита зарар етказиш хавфини тугдиради.

Келиб чиккан окибат моддий характерда булмаслиги хам мумкин. Моддий характердаги окибатлар маълум улчовга эга. Масалан: согликка карши жиноятлар, окибатларга караб енгил, уртача, огир ва ута огир тан жарохатга ажратилади. Моддий таркибли жиноятларда содир этилган килмишнинг окибатлари бу килмишларни охирига етказилган жиноят сифатида тасниф этиш имкониятини беради. Конунда курсатилган окибатларнинг чикганлиги килмишларни жиноятга суикасд килиш сифатида тасниф этиш имконини беради. Айрим холларда айнан килмиш окибатлари жиноятнинг маъмурий хукукбузарликдан фарк килувчи белгиси хисобланади.

Сабабий богланиш содир этилган ижтимоий – хавфли килмиш ва унинг натижасида келиб чиккан ижтимоий – хавфли окибат уртасида богланишдир.

Сабабий богланишни тадкик этишда куйидагилар аниклаш лозим:

1. Окибат содир этилган ижтимоий – хавфли килмиш (харакат ёки харакатсизлик) натижасида келиб чиккан булиши керак.

3. 3. Келиб чиккан окибат содир этилган ижтимоий – хавфли килмишнинг ёхуд бу килмиш содир этилишидан ижтимоий – хавфли окибат келиб чикишининг реал хавфи булиши керак.

Жиноятнинг объектив томони тула тасниф этиш учун жиноят содир этилган жой, вакти, усули, холати ва кулланилган воситалар каби жиноят объектив томонининг факультатив белгиларини куриб чикиш керак.

Факультатив белги жиноятнинг зарурий белгиси хисобланганда жиноятни таснифлашга таъсир этмасдан, жазо тайинлашда жавобгарликни огирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи холат сифатида курсатилиши мумкин.

Жиноят содир этиш усули у кандай содир этганлиги, унинг тартиби, услубини курсатади. Жиноятни содир этиш усули конунда уайян жиноятнинг зарурий ёки таснифий белгиси сифатида курсатилиши мумкин.

Айрим холларда жиноятни содир этиш усули жазони огирлаштирувчи холат хисобланади. (Масалан: Ж.К.нинг 97-мод.)сида кастдан одам улдириш куйидаги холларда жавобгарликни огирлаштирувчи холатда содир этилган хисобланади: а) бошка шахсларнинг хаёти учун хавфли булган усулда; б) ута шафкатсизлик билан бошка купайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот восталри оркали содир этилса (Ж.К.нинг 139-мод. 2-кисм), зурлик ишлатиб озодликдан махрум килиш (Ж.К.нинг 138-мод.)си, жисмоний азоб бериш йули билан содир этилса ва бошкалар).

Жиноят содир этиш усулини нотугри аниклаш, муайян жиноятнинг зарурий ёки таснифий белгиси булса, хукукни узгартириш учун асос булади. Жиноят содир этиш воситалари айбдорнинг ижтимоий – хавфли килмиш содир этиш пайтида жиноят объектига таъсир этиш учун фойдаланган предмет ёки куроллар, электир токи, радиация, ультиратовуш воситалари кабилардир.

Жиноят содир этилган жой, дейилганда, жиноят бошланган ёхуд жиноий окибат келиб чиккан муайян худуд ёки бино тушинилади. Айрим холларда жиноят содир этилган жой ижтимоий – хавфли килмишнинг зарурий белгиси хисобланади. Масалан: озодликдан махрум килиш муассасаларининг ишини издан чикарувчи харакатлар (бу килмиш факат озодликдан килиш муассасаларидагина содир этилиши мумкин), озодликдан махрум килиш жойларидан кочиш (222-мод.)да бунга мисол була олади.

Ижтимоий – хавфли килмиш содир этиш вакти, дейилганда нафакат йилнинг, куннинг маълум бир вакти тушинилмасдан, жиноят содир этган шахснинг жиноий жавобгарлигига маълум даражада таъсир курсатадиган ходисалар юз берган муайян давр тушинилади. Масалан: жиноятнинг харбий хизматни уташ вакти содир этилганлик шубхасиз жавобгарликни кучайтиради.

Жиноят содир этиш холат (вазият)лари муайян жиноят содир этилаётганда мавжуд булган ва жиноят содир этган шахс жавобгарлиги учун маълум даражада таъсир этадиган холатларнинг йигиндисидир.

Жиноят содир этиш холати айрим холларда, маслан: буйрукни бажармаслик, жанговар вазиятда содир этилган булса (280-мод. 2-банд), бошликка каршилик курсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбурн килиш жанговар вазиятда содир этилса 9281-мод. 3-кисми) жиноят жавобгарликни огирлаштирувчи холат хисобланади.

## 8-Мавзу: ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ.

Жиноятнинг субъектив томонини аник белгилаш жиноятни тугри квлификация килиш ва адолатли жазо тайинлаш шахснинг айби даражасини хисобга олган холда белгилашнинг зарурий шартларидир.

Жиноят хукуки назариясида жиноятнинг субъектив томони дейилганда, айбдор шахснинг узи содир этган ижтимоий – хавфли килмиши ва унинг окибатларига булган рухий муносабати тушинилади.

Жиноятнинг субъектив томонини аниклаш суд-тергов амалиётида маълум кийинчиликлар тугдиради. Жиноятнинг максади, мотиви ва айбни етарлича тадкик этмаслик жиноятни квалификация килишда хатоликларга йул куйилишига олиб келиб, шахснинг у содир этмаган килмиши учун жиноий жавобгарликка  тортилишига сабаб булади, бу эса адолатни жазо тайинланишининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун суд-тергов амалиётида жиноятнинг мотиви, максади ва айбни тугри аниклашга жуда катта эътибор бериш керак, чунки Жиноят кодексининг 9-моддасига мувофик «Шахс конунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий – хавфли килмишлари учунгина жавобгар булади.

Жиноят хукуки назариясида жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси айбнинг касд ёки эхтиётсизлик шаклидир. Жиноятнинг максади ва мотиви эса субъектив томонининг факультатив белгиси хисобланади.

Айб хар кандай жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгисидир. Хиноят хукуки назариясида айб шахснинг содир этган ижтимоий – хавфли килмиши ва унинг окибатларига (кастдан ёки эхтиётсизлик куринишидаги) булган рухий муносабати тушинилади. Узбекистон Республикасининг Ж.К. 20-моддасига мувофик жиноят:

1. 1. Кастдан.
2. 2. Эхтиётсизлик оркасидан содир этилиши мумкин.

Кастдан содир этиш шаклидаги жиноят тугри ва эгри касд билан содир этилиши мумкин.

Жиноят тамом булган пайт ижтимоий – хавфли килмиш бажарилган вакт деб хисобланган булиб, уни содир этган шахс уз килмишининг содир этишни истаган булса, бундай жиноят кастдан содир этилган деб топилади. Жиноят агар уни содир этган шахс томонидан килишининг ижтимоий –

хавфлилигини англаган, унинг юз беришини истаган булса, тугри касд билан содир этилган хисобланади. Жиноят агар уни содир этганшахс уз килмишининг ижтимоий хавфлилигини ангаган, ижтимоий – хавфли окибатини олдиндан кура билган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йул куйган булса, эгри касд билан содир этилган хисобланади.

Уз-узига ишониш ёки бепарволик оркасида содир этилган ижтимоий – хавфли килмиш эхтиётсизлик оркасида содир этилган жиноят деб топилади.

Шахс кастдан жиноят содир этаётганда уни олдиндан режалаштиради, содир этишга хар томонлама тайёрланади ва содир этади. Буни хисобга олиб, конун чикарувчи орган кастдан жиноят содир этган шахслар учун каттикрок жазо чораларини белгилаган.

Масалан: Кастдан одам улдирганлик учун – 10 йилдан 15 йилгача озодликдан махрум килиш, эхтиётсизлик оркасида одам улдириш учун эса 2 йилгача ахлок тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан махрум килиш билан жазоланади.

Касднинг белгилари таффакурий (интелектуал) ва иродавий холатлар хисобланади.

Таффакурий холат касднинг мазмунини, иродавий холат эса унинг йуналишини белгилайди.

## 9-Мавзу: ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ.

Жиноят хукуки назариясида хар кандай ижтимоий – хавфли килмиш содир килган, конун билан белгиланган ёшга етган ва килмиш учун жиноий жавобгар була оладиган жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти булади. Жиноят Кодекси буйича жиноят субекти факат жисмоний шахс була олади. Юридик шахс (ташкилот, муассаса, корхони ва хокозолар) жиноят субъекти була олмайди. Лекин ташкилот, муассаса, корхона фаолияти билан боглик жиноий окибат учун тугрдан-тугри унинг рахбарлари ва маъсул шахслар жавоб берадилар. Булар асосан экология сохасидаги жиноятлардир. Масалан: Атроф табий мухитни ифлослантириш, ердан, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва куриклаш коидаларини бузиш, усимликлар, урмон ва бошка экинларни йук килиш ёки зарар етказиш ва хокозолар.

Жиноят субъектининг белгилари куйидагилардир:

1. 1. Жисмоний шахс эканлиги.
2. 2. Акли расолиги.
3. 3. Конун билан белгиланган, ёшга етганлиги, хар кандай жиноятнинг субъекти акли расо шахслар булади, бу жиноят субъектининг зарурий белгиларидан биридир.

Ижтимоий – хавфли килмишининг содир этиш вактида акли норасо холатда булган, яъни сурункали рухий касаллиги, рухий холати вактинча бузилганлиги, акли заифлиги ёки бошка тарздаги рухий касаллиги сабабли уз харакатларининг ахамиятини англай олмаган ёки харакатларни бошкара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Тиббий йусиндаги мажбурлов чорлари беморн шахсга хукм эълон килингунга кадар ёки белгиланган жазони утаётган вактида ёки озодликдан колдирилган вактида унинг харакатлари атрофдагиларга хавф тугдирилиши мумкин булса, кулланилади.

Акли норасолик иккта мезон билан ифодаланади:

1. 1. Юридик мезон.
2. 2. Тиббий мезон.

Шахс акли норасо деб топиш учун икки мезон бир вактда булиши шарт. Хар кандай ишдаги юридик курсаткични суд аниклайди, яъни жиноят субъекти хакикатдан уз харакати ва унинг окибати учун жавоб бера олармиди ёки йукмиди деган масалалар тула аникланиши керак. Куйидагилар тиббий курсаткич белгиларига эга булган рухий касалликлардар.

1. 1. Сурункали рухий касаллик – шизофркния, прогрессия фалажи, паранойя, эпилигсия, бош мия сифлиси ва хокозолар.

2. 2. Вактинчалик рухий касаллик – белая горячка, умумий юкумли касалликлар давридаги рухий касаллик ва хокозолар.

3. 3. акилнинг пастлиги. у уч даражага булиниди. а) енгил даражалидебияликлар имбецимостлар, б) урта даража (идиотия), тула аклий кобимиятнинг ишдан чикиш даражасидир.

4. 4. Касалликнинг бошка холатлари. Инсон рухиятининг рухий касалликлардан ташкари холатдаги бузилишлари. Масалан: гиёхванд моддани вактинча истемол килмаслик туфайли руй берадиган рухий холат, юкумли касаллик вактидаги рухий етишмаслик.

Акли норасоликнинг юридик мезони шундан иборатки, бунда шахс уз харакатлари тугрисида узиги хисоб бера олмайди ва уз харакатларини бошкара олмайди. Юридик мезоннинг интелектуал белгиси шуни билдирадики, бунда шахс уз харакатини, унинг гайриконуний ва жамоат учун хавфли эканлигини тушунмайди. Конун буйича акли норасо деб топилган шахс жиноят субъекти була олмайди ва у харакатларида жиноят таркиби булмаганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят Кодекси буйича жавобгарликка тортиш ёшига етган шахсгина жиноят субъекти деб хисобланади.

Узбекистон Республикаси Жиноят Кодекси буйича бир мартта жиноий жавобгарликка тортилишга асос булиши учун ёшининг турт даражаси белгилинади.

Ж.К.нинг 17-моддаси 1-кисмига кура жиноят килгунга кадар 16 ёшга тулган шахс жавобгарликка тортилади. Ж.К.да купчилик жиноят учун жавобгарлик 16 ёшдан белгиланган.

17-модда 2-кисмига кура «13 ёшга тулган шахслар жавобгарликни огирлаштирадиган холатларда кастдан одам улдирганликлари учунгина жавобгарликка тортиладилар. Узб. Рес. Ж.К.нинг 97-моддаси, 2-кисмда белгиланган субъект ёши энг паст ёш булиб, Ж.К.даги ягона норма хисобланади. Олдинги конунларда бунака ёш белгиланмаган эди.

17-модда, 3-кисмига кура жиноят содир этгунга кадар 14 ёшга тулган шахслар куйидаги жиноятлар учун жавобгар буладилар: кастдан одам улдириш (97-мод.) кастдан, кучли рухий хаяжонланиш холатида баданга огир, уртача огир шкаст етказиш (104-105-106 моддалар) номусга тегиш (118 мод.), одам улдириш, (137-мод.), боскинчилик (164-мод.), товламачилик (165-мод.), талончилик (166-мод.), угрилик (169-мод.) ва хокозолар.

Ж.К. 17-модда, 4-кисмда куйидаги жиноятлар учун жавобгарлик 18 ёш деб белгиланган: вояга етмаган ёки мехнатга лаёкатсиз шахсларни моддий таъминлашдан буйин товлаш (122-мод.), ота-онани моддий таъминлашдан буйин товлаш (123-мод.), вояга етмаганшахсни гайри – ижтимоий хатти – харакатларга жалб килиш (127-мод.) ва хокозолар.

Ж.К. 17-моддасига кура жиноятчиларнинг ёши чегаралари аник белгиланиши учун шахснинг ёши тулик (тугилган йили, ойи, куни) аникланиши лозим. Шахсни ёши тулганлик тугрисида гувохнома ёки паспортга караб аникланади. Ушбу хужжатлар ва ёшни аниклайдиган далиллар булмаганда тугилган вакт суд-тиббиёт экспертизияси оркали аникланади. Баъзи холларда экспертиза аник йилни хам айта олмасдан уртача ёшни белгилайди. (масалан: 12-15-моддагача). Бу холларда шахснинг минимал ёши олинади. (12-мод.). Узб. рес. Ж.К. 1-марта 18 ёшга тулмаган шахсларнинг жиноий ва аклий етилганлиги ва рухиятини хисобга олиб, вояга етмаганлар учун Ж.К.нинг махсус кисмида алохида жавобгарлик белгиланади. (масалан: 18 ёшга етмаганлар учун улим жазоси кулланилмайди). Жиноятнинг махсус субъекти – бу субъекрнинг зарурий белгилари билан бирга (ёш, акли расолик)

албатта бошка белгилар хам булиши кераки, бундай белгисиз шахснинг тегишли норма билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Куп холларда ушбу белгилар жиноят – хукукий нормалар диспозициясида курсатилади ёки улар шархлаш оркали аникланади.

Давлат сирларини ошкор килганлик учун жавобгарликка давлат сирлари хизмат ёки касб юзасидан ишониб топширилган шахсгина субъект була олади.

Ж.К. Махсус кисмини урганиш шуни курсатадики жиноятнинг субъекти белгиларини тасниф килиш мумкин.

1. 1. Фукаролиги.
2. 2. Демографик белгилар (ёши, жинси).
3. 3. Мансаби.
4. 4. Харбий хизматга алокадорлиги.
5. 5. Бажараётган иши.
6. 6. Касбий мажбурияти.
7. 7. Шахс мажбуриятлари.
8. 8. Субектнинг асосий холатлари (рецидивист, хавфли рецидивист).

Бу тасниф албатта тахминийлардир.

## 10-мавзу: ТАМОМ БУЛМАГАН ЖИНОЯТ.

Ж.К. Махсус кисмида назарда тутилган жиноятлар тамом булган,яъни жиноят содир этилган деб хисобланади. аммо хаётда айрим сабабларга кура жиноят хар доим хам охирига етказилмай, тухтатилади. Масалан: гиёхванд воситани сотиш максадида олган, лекин сотишга улгурмай кулга олинган; одам улдириш максадида милтикдан отган, лекин ук нишонга тегмай, жабрланувчи тирик колган ва хокозо.

Узб. Рес. Ж.К. 25-модда, кастдан содир этилган жиноятлар 3 та боскичдан иборат эканлиги курсатилган.

1. 1. Жиноятга тайёргарлик куриш.
2. 2. Жиноятга суикасд килиш.
3. 3. Тамом булган жиноятлардир.

Узб. Рес. Ж.К. 25-модда, 1-кисмида «Шахснинг кастдан килинадиган жиноятнинг содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи килмиши узига боглик булмаган холатларга кура содир этилиши бошлангунга кадар тухтатилган булса. бундай килмиш жиноятга тайёргарлик куриш деб топилади. Жиноятга тайёргарлик куриш аник харакатлар килмишдан иборат булиб, жиноят содир килиш воситаси ёки куролини тайёрлашлардир. (Масалан: яшаш уйларига кириб угирлик килиш учун калит ёки бошкача мослама ясаш). Шунингдек, хар кандай йул билан жиноят содир килиш учун шериклар кидириб, улар билан келишиб олиш, жиноят содир килиш куроли ва воситалар олиш кабилар тайёргарлик куриш деб топилади.

Жиноятчи тайёргарлик куриш куйидаги белгилари ифодаланади:

а) тайёргарлик куриш харакатлари (айрим холларда харакатсизликдан хам).

б) тугри, кастдан содир килинадиган жиноятларда жиноят боскичлари булади.

в) содир этилган жиноятнинг жиноят таркиби алохида таркибга эга эканлиги.

г) жиноятга тайёрганлик куриш боскичида айибдорга боглик булмаган холатларга кура тухтатилганлиги.

Жиноятга тайёргарлик куриш курганлик учун жазо тайинлашда суд жазо тайинлашнинг умумий асосларига асосланади ва хеч кандай окибат келиб чикмаганлиги эътиборга олиб жазо тайинланади. Узб. Рес. Ж.К. 25-модда, 2-кисмда белгиланишича, кастдан содир этилган жиноят белгиланиб, шахсга боглик булмаган холатларга кура охирига етказилмаган булса, жиноят содир этишга суикасд килишнинг турли туман ходисаларга дуч келинади, аммо кулга олишда, котил одам улдириш максадида уз отар куролидан отади, аммо ук тегмайди ёки жабрланувчи тирик колади.

Жиноят хукуки назариясида ва суд амалиётида суикасд килиш тамом булмаган суикасд ва тамом булган суикасдга булинади.

Тамом булмаган суикасдга айибдор узига боглик булган барча харакатларни килишга улгурмайди. Яъни айбдорнинг узига боглик булмаган сабабларга кура жиноят охирига етказилмайди. Масалан: Айибни очиш учун калит ясайди, аммо бу калит билан сейф очилмайди. Одам улдириш максадида милтикдан отади аммо милтик отмайди ва хокозо.

Тамом булган суикасдда жиноят максадга эришиш учун айбдор узига боглик булган барча харакатларни килади аммо, унинг узига боглик булмаган сабабларга кура жиноят охирига етказилмайди. Масалан: Угри уй-жойга кириб угрилик килаётганида эгаси келиб колади. Одам улдириш максадида ук отганда, биров келиб милтикни стволини бошка томонга буриб юборади ва хокозо.

Жиноят хукуки назариясида яроксиз тажовуз килишнинг икки тури мавжуд:

1. 1. Яроксиз объектга тажовуз килиш.
2. 2. Яроксиз воситалар билан тажовуз килиш.

Яроксиз объектга тажовуз килишда субъект уз харакатини муайян объектга тажовуз килишга йуналтиради, аммо унинг уз хатосига кура тажовуз килган объектга хеч кандай зарар етказилмайди. Масалан: Шахс бировни улдириш максадида у ухлаб ётибди деб уйлаб пичок уради аммо жабрланувчи бошка бир сабаб туфайли олдинрок улган булади ва айибдор улик мурдага пичок санчилганини билмайди. Ёки пулин олиш учун сейфни очади, аммо сейифда пул булмайди.

Яроксиз воситалар билан суикасд килиш деганда жиноятни охирига етказиш учун яроксиз воситалар куллаб тажовуз килиш тушинилади. Масалан: Шахсни улдириш максадида осиглик турган ов милтигидан отади лекин милтик занглаганлиги туфайли отмайди.

Содир этилган килмиш, (харакат ёки харакатсизлик)да Ж.К. Махсус кисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятнинг жиноят таркиби барча томонлари ва белгиларининг юз бериши тамом булган жиноят деб топилади. Жиноятнинг тамом булганлиги масаласи унинг объектив томони кандай даражада бажарганлиги билан боглик. Бунда жамият моддий ёки формал эканлигидадир. Ж.К.нинг 26-моддасида белгиланишича шахс жамиятга тайёргарлик куриш харакатини ёки содир этилган бевосита каратилган харакатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган холда тухтатса, шунингдек жиноий окибат келиб чикишини англаган холда, шундай окибат келиб чикишини олдини олса жиноят содир этишда ихтиёрий кайтиш деб топилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий кайтишнинг конундаги мазмуни жиноят хукуки назариясида суд амалиётида кулланилишини эътиборга олиб, уни куидаги белгилар билан ифодаланиши мумкин.

Жиноятдан уз ихтиёри билан кайтганлиги;

Жиноятдан кайтганлигининг катъий булиши;

Жиноят содир этишдан ихтиёрий кайтиш факат тамом булмаган суикасдда булади. Чунки бунда шахснинг хали жиноят фаолиятини тухтатиш учун вакт бор ва шахс жиноятни охирига етказиш учун барча харакатларни килишга улгурмаган булади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий кайтиш катъий булиши керак деганда шахснинг жиноий фаолиятини вактинча тухтатиш тухтатганлиги эмас балки охирига етказиш учун тула имкониятлар борлигини англаганлиги холда жиноий фаолиятини давом эттиришдан бутунлай воз кечганлиги тушинилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий кайтишнинг мотиви турлича булиши мумкин. (Масалан: килмишига пушаймон булиш, жабрланувчига рахм килиши, уз бошига мусибат тушиб колишдан куркиши ва хокозо.). Мотиви кандай булмасин, шахс уз хохиши билан жиноятдан кайтган булса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

## 11-Мавзу: ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК.

Суд – тергов харакатларини урганиш шуни курсатадики купчилик жиноятлар бир гурух шахслар томонидан содир этилади.

Узб. Рес. Ж.К.га кура «Икки ёки ундан ортик шахснинг кастдан жиноят содир этишда биргалашиб катнашиши иштирокчилик деб топилади. Иштирокчиларнинг белгиларини объектив ва субъектив белгиларга булишимиз мумкин.

1. 1. Жиноят содир килишда икки ёки ундан ортик шахснинг иштироки.
2. 2. Жиноят содир килишда гурух азоларининг биргаликда харакат килиши киради.

Кодекс буйича белгиланган кодексга кура ёшга етмаган ва акли норасо деб топилган шахс ушбу жиноятсубъекти деб топилиши мумкин эмас ва уз-узидан иштирокчи була олмайди.

Ж.К. 28-моддасига кура жиноятни бошкарувчи билан бир каторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар деб топилади. Иштирокчиларнинг турлари:

1. 1. Бошкарувчи.
2. 2. Ташкилотчи.
3. 3. Далолатчи.
4. 4. Ёрдамчилар.

Жиноят бевосита тула ёки содир этилган ёхуд иборат ушбу Кодексга мувофик жавобгарликка тортилиши мумкин булмаган шахслардан ёки бошка воситалардан фойдаланиб жиноят содир этилган шахс бошкарувчи деб топилади. Бошкарувчи икки турга булинади:

1. 1. Бевосита жиноятни содир этилган, яъни объектив томонини бажарган шахс.
2. 2. Кодексга мувофик жавобгарликка тортилиши мумкин булмаган шахслардан ёки бошка воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс.

Жиноятга тайёргарлик курилишига ёки жиноят содир этилишига рахбарлик килган шахс ташкилотчи деб топилади, яъни ташкилотчи:

1. Жиноятга тайёргарлик курилишига ёки жиноят содир этилишига рахбарлик килади.
2. Жиноят содир этилишига рахбарлик килади.

Жиноят содир этилишига кизиктирувчи шахс далолатчи деб топилади, яъни у хар кандай шаклда:

1. 1. Мажбурлов.
2. 2. Ишонтириш оркали далолат килади.

Ёрдамчилик иштирокчиларнинг куп учрайдиган шаклидир. Жиноятда ёрдамчилик икки куринишга:

1. 1. Ижтимоий ёрдамчилик.
2. 2. Рухий ёрдамчилик куринишига эга.

## 12-Мавзу: ЖАЗО ТУШИНЧАСИ, МАКСАДЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

## 1. Жиноят хукукида жазо тушинчаси ва белгилари

Жиноятчиликка карши кураш ишида ва унинг олдини олдини олишда жиноий жазо чораларида хам кенг фойдаланилади. Жиноий жазо давлатда жиноятчиликка карши курашнинг асосий воситаси эмас, утиш даврида жиноятчиликка карши кураши уткир куроли сифатида фойдаланилиши мумкин.

Узб. Рес. Жиноят кодексининг 42-моддасида жазога куйидагича тушинча берилган: "Жазо жиноят содир этишда айибли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд хукми билан кулланадиган ва махкумни конунда назарда тутилган муайян хукук ва эркинликлардан махрум килиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жиноий жазо давлатнинг бошка мажбурлов чорасига ухшаса-да айнан жиноий жазо хисобланган давлатнинг мажбурлов чорасининг узигагина хос булган белгиларига эга булиб, бу белгиларга куйидагиларни айтиш мумкин.

1. Жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси сифатида факат жиноят конунида белгиланади.

2. Жиноий жазо факат суд томонидан давлат номидан тайинланади.

3. 3. Жиноий жазо факат жиноят содир килишда айибдор булган шахсларга нисбатан тайинланади.

4. 4. Жиноий жазо факат жиноят содир килган шахснинг узигагина кулланилади, унинг оила аъзоларига ёки оила аъзоларидан бирига нисбатан кулланилиши мумкин эмас.

5. 5. Жиноий жазо куллаш – айбдорнинг харакатини давлат томонидан коралашдан иборат.

6. 6. Жиноий жазо махкумга нисбатан унинг содир килган жиноятнинг ижтимоий ижтимоий хавлилик ва айибли даражасига караб маълум даражада мусибат келтиради.

7. 7. Жиноий жазо муайян хукукий окибатлар келтириб чикаради.

## 1. Жиноят хукукида жазонинг максади.

Конунда жазонинг максадига берилган тушинчада куриниб турибдики, махкумни жазолаш оркали куйидаги максадлар кузда тутилади:

1) 1) махкумни ахлокан тузатиш;

2) 2) унинг жиноий  фаолиятини давом эттиришга тускинлик килиш;

3) 3) махкум янги жиноят содир этишнинг олдини олиш;

4) 4) бошка шахсларнингжиноят содир этишнинг олдини олиш.

## 13-Мавзу: ЖАЗО ТИЗИМИ ТУШИНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.

### 1. 1. Жиноий жазо тизими тушинчаси, унинг умумий тавсифи ва ривожланиш хусусиятлари.

Жазо тизими содир килинган жиноятни квалификация килишда ва коралиш аломатларини курсата билишда давлат томонидан белгилаб берилган каттъий ва зарурий хамда содир килинган жиноятларнинг огир ёки енгилрок эканлигини ифодалашда судлар томонидан кулланиладиган мажбурлов воситаси хисобланади. Узб. Рес. Ж.К.нинг 43-моддасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан кулланиладиган жазоларнинг тизими ва каттъий руйхати берилган.

Жазолар тизими ёрдамида хукукни куллаш фаолиятида содир килинган жиноятларга кулланиладиган жазоларни табакалаштириш имкониятлари яратилган. Жазоларни бир тизимда бирлаштирган бу модда жиноят конунчилигининг барча демократик принциплари акс эттирилган. Масалан, жазо тизимида назарда тутилган жазоларнинг бирортасида хам инсонпарварлики принципига зид булган жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-кимматини камситиш аломатлари йук конунчилик принципига мувофик суд жазо тизимида назарда тутилган жазоланигина куллайди ва бундан ташкари чикиб, Ж.К.нинг 43-моддасида назарда тутилмаган жазоларни куллаш мумкин эмас. Жазо тизимида назарду тутилган жазоларнинг узига хос хусусиятлари шундаки бу жазолар муайян муддатга, муайян жиноятни содир этган шахсларга факат уша жазо муддати доирасида, (улим жазосидан мустасно) куллаш мумкинлиги назарда тутилади. Шунингдек аксарият жазолар озодликдан махрум килиш билан боглик булмаган жазоларни ташкил этади (жумладан, жарима, муайян хукукдан махрум килиш, ахлок тузатиш ишлари, хизмат буйича чеклаш кабилар).

Узб. Рес. Янги Жиноят кодексида улим жазосини жиноий жазо чораси сифатида улим жазосини жиноий жазо чораси сифатида саклаб колинади. 1959 йили кабул килиниб, 1995 йил 1 апрелга кадар амалда булган Жиноят кодексига улим жазоси вактинчалик, фавкулоддаги чора сифатида назарда тутилган булса, амалдаги Ж.Кда жиноий жазо сифатида жазо тизимида назарда тутилади. Жамиятда ижтимоий шароитнинг узгариши сабабли бу жазонинг кулланишига эхтиёж колмаган вактда, фукароларнинг давлат билан юкори даражадаги ижобий алокалари мустахкамланиб колган шароитда улим жазосини конунда саклаб колишга зарурат колмаган вактда бу жазо конундан чикариб ташланиши мукин.

1994 йилги Жиноят кодексида улим жазосини куллаш доираси анча кискартирилди. Факат жавобгарликни огирлаштирадиган холатларда кастдан одам улдириш, давлатга карши, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига карши жиноятларни содир килганлик ва конунда курсатилган бошка холлардагина улим жазоси кулланилиши назарда тутилган.

Жазо тизими деганда, жиноят конуни билан урнатилган ва судлар учун мажбурий хисобланган ва маълум тартиб асосида уларнинг енгилидан огирига караб жойлаштирилган жазолар руйхати тушинилади. Жазо тизими тушинчаси узидан бир катор белгиларни назарда тутади. Жумладан, жазо тизимида назарда тутилмаган бирорта мажбурлов чораси жиноий жазо сифатида тайинланиши мумкин эмас, жазоларнинг турлари, кулланилиши тартиби ва асослари факат жиноят конунидагина белгиланган булиб, жазо тизимидаги жазоларнинг руйхати судлар мажбурий хисобланади.

Янги жиноят конуни аввалги – 1959 йил 21 майдаги жиноят конунидан фарк килади. Жумладан, аввалги жиноят конуни жазо тизимида жазоларнинг огиридан енгилига караб тузилган булса, янги жиноят конунида жазо тизими енгил жазолардан огирига караб тузилади. Бундай коидага муайян жиноят конунлари санкцияларида хам риоя килинади. Жазо тизимининг бундай тахлитда тузилиши жиноят конунининг инсонпарварлик принципига мувофик ифодаланган булиб, судлар жазо тайинлаш вактида бунга асос булмаганидан кейингина огиррок жазо турини куллашлари лозимлиги уз ифодасини топган. Хозирги давр талабига жавоб бермайдиган, олдинги Ж.К даги жиноий жазолардан бир нечтаси янги Ж.Кга киритилмади. Жумладан, 1959 йил 21

майдаги Жиноят кодексида назарда тутилган сургун, бадарга, вазифасида бушатиш, етказилган зарарнинг урнини коплаш мажбуриятини юклаш, жамоат иззаси бериш каби жазолар янги Жиноят кодексига жиноий жазо сифатида киритилмади.

Жазо тизимида назарда тутилган махкумларнинг хукукларини чеклаш, моддий ва маънавий жазо келтириш ва ижро этиш усулига караб шартли равишда куйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. Махкумларга нисбатан моддий жафо келтирувчи жазолар. Буларга: жарима, ахлок тузатиш ишлари, мол мулкни мусодара килиш ишлари киради.

2. Махкумларга маънавий жафо етказувчи жазоларга хизмат буйича чеклаш, харбий ёки махсус унвондан махрум килиш жазоларини киритиш мумкин.

3. Махкумларнинг айрим хукукларини чекловчи жазоларга муайян хукукдан махрум килиш жазоси киради.

4. Махкумларнинг озодлигини чекловчи жазоларга камок, интизомий кисимга жунатиш, озодликдан махрум килиш жазолари киради.

5. 5. Шунингдек, улим жазоси назарда тутилади.

Жиноят хукукида жиноий жазоларни бошкача хилда хам таснифлаб берилган. Булар:

1) 1) факат асосий жазо сифатида тайинланадиган жазолар;

2) 2) асосий ёки кушимча жазо сифатида тайинланадиган жазолар;

3) 3) факат кушимча жазо сифатида тайинланадиган жазолар.

Асосий жазолар – бу содир килинган жиноят учун асосий жазо сифатида мустакил тайинланиши мумкин булган жазолардир. Бу жазолар хеч качон бошка жазоларга кушимча жазо сифатида тайинланиши мумкин эмас. Конун санкцияларида бир неча асосий жазолар назарда тутилган булиши мумкин, лекин суд битта жиноят учун бу жазолардан факат биттасини асаосий жазо сифатида танла олиб тайинлайди.

Куйидаги жазолар: жарима, ахлок тузатиш ишлари, хизмат буйича чеклаш, камок, интизомий кисимга жунатиш, озодликдан махрум килиш, улим жазолари факат асосий жазо сифатида тайинланади.

Куйидаги жазо эса ё асосий жазо сифатида, ёки кушимча жазо сифатида тайинланиши мумкин. Бунга муайян хукукдан махрум килиш жазоси киради.

Кушимча жазолар – факат асосий жазога жазонинг максадига эришишни таъминлаш учун кушиб тайинланиши мумкин булган жазолардир. Бу жазолар хеч качон мустакил равишда якка узи тайинланиши мумкин эмас. Унга харбий ёки махсус унвондан махрум килиш, мол-мулкни мусодара килиш жазолари киради. Кушимча жазоларнинг узига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу жазолар асосий жазоларни тулдириш, уларга кушиб бериш йули билан тайинланади. Бу содир килинган жиноятга одилона жазо тайинлаш имкониятини яратади.

Жазо тизимида назарда тутилган жазоларнинг хар бири узига хос хусусиятларга эга булиши билан бирга уларнинг хаммаси хам Жкнинг 42-моддасида назарда тутилган махкумни ахлокни тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тускинлик килиш, шунингдек махкум томонидан янги жиноят содир этилишини, шунингдек, бошка шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш максадида эришиш воситасидир. Хар бир жазо узига хос хусусиятларга эга булишига карамай, юкорида таъкидланган максадга эришиш усули билан бир-биридан фарк килади.

Хар бир жазони куллаш борасида судлар уларнинг самарали булишига эришиш учун уларнинг кандай максадларини кузлашлигини хам хисобга олиши лозим.

Суд амалиётини урганиш мазкур жазолардан жарима, ахлок тузатиш ишлари, озодликдан махрум килиш жазолари купрок кулланилаётганлигини курсатади. Жазо тизимида назарда тутилган жазолар ичида бу жазолар самаралирок булаётганлигидан далолатберади.

Жазо тизимида назарда тутилган жазоларнинг аксарияти озодликдан махрум килиш билан булмаган жазолардир.

## 2. 2. Жарима.

Жарима жиноий жазо сифатида Узб. Рес. Жкнинг 44-моддаси назарда тутилган булиб, бу айибдорлардан давлат даромадига Жиноят кодексида белгиланган микдорда пул ундиришдир.

Жарима жазоси асосий жазо сифатида факат конунда белгиланган холлардагина кулланилиши мумкин.

ЖК 44-моддасининг 2-кисмига жариманинг микдори энг кам ойлик иш хаккининг беш бараваридан юз бараваригача микдорда, вояга етмаганлар нисбатан эса Жкнинг 82-моддасига мувофик энг кам ойлик иш хаккининг икки бараваридан йигирма бараваригача микдорда тайинланади.

Жиноят конун жариманинг микдоридан четга чикиб, купрок ёки камрок белгиланишига йул куйилмайди. Жиноий жазо сифатида кулланиладиган жарима маъмурий жазо тарикасида кулланиладиган жаримадан фарк килади. Жиноий жазо тарикасидаги жарима факат жиноят конунида назарда туилган холларда жиноят содир килинганида суд томонидан кулланилиши мумкин. Маъмурий жазо тарикасидаги жарима эса маъмурий органлар томонидан кулланилади.

## 3. Муайян хукукдан махрум килиш.

Жиноий жазо сифатида муайян хукукдан махрум килиш ЖК.нинг 45-моддасига кура суд тайинланган муддат давомида айибдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу фаолият билан шугилланишини такиклашдан иборатдир.

Суд муайян хукукдан махрум килиш жазосини асосий жазо сифатида хам, кушимча жазо сифатида хам конунда белгиланган муддат доирасида тайинланиши мумкин. ЖК.нинг 45-моддасига биноан асосий жазо сифатида бир йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Маъмурий жазо тарзида тайинланган муайян хукукдан махрум килиш жиноий жазо тарикасида тайинланган муайян хукукдан махрум килишдан фарк килади. Муайян хукукдан махрум килиш жиноий жазо тарикасида тайинланганда шахс ЖК.нинг 78-моддасида курсатилган муддат давомида судланган хисобланади. Муайян хукукдан махрум килиш жазосини асосий жазо сифатида факат конун санкциясида назарда тутилган холатлардагина (ЖК.нинг 57-моддаси – енгилрок жазо тайинлаш бундан мустасно) кулланилиши мумкин. Кушимча жазо сифатида эса конун санкциясида назарда тутилган булса хам судлар томонидан кулланилишига йул куйилади.

## 4. Ахлок тузатиш ишлари.

Ахлок тузатиш ишлари шахсни кайта тарбиялаш максадида мажбуран мехнатга жалб килиб, махкумнинг узи жалб килиб, махкумнинг узи ишлаб турган жойда ёки мазкур жазо ижросини назорат килувчи органлар белгилаб берилган бошка жойларда уташдан иборатдир.

Ахлок тузатиш ишлари бериш жазоси амалдаги ЖК. Махсус кисми нормаларининг аксарият моддаларининг санкцияларида назарда тутилган. Бу жазода махкумни ахлокан тузатиш корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг мехнат жамоаси маъмуриятига юклатилади ва улар махкумларнинг ишларини ташкил киладилар, тарбияловчи чораларни белгилайдилар, назоратни амалга оширадилар. Бу жазо ижросини назорат килувчи органлар жиноят – ижроя кодексининг тегишли нормаларини тадбик этган холда махкумларни рагбатлантириш ёки жазолаш чораларини курадилар.

Бир неча жиноят содир килиниб, хар бир жиноят учун жавобгарликни белгиловчи модда санкциясида ахлок тузатиш ишлари жазоси курсатилган булса суд хар бир жиноят учун алохида-алохида жазо тайинлаб, уларга алохида-алохида иш хакининг канча фоизини давлат хисобига ушлаб колинишини белгилаб, кейин умумий жазони белгилайди. Бундай холда муддатларни кушиш учун 59 ва 60-моддаларни коидалари тадбик килинади,

фоизлари эса алохида-алохида ижро этилади. Ахлок тузатиш ишлари жазосиз факат мехнат килиш кобилиятига эга булган шахсларга кулланилиши мумкин. Суд ахлок тузатиш ишлари жазосини тайинлашди махкумнинг бажарадиган иши касби жисмоний кобилиятини хам хисобга олиши мумкин.

Ахлок тузатиш ишлари мехнат килишга яроксиз шахсларга, пенсия ёшига етганларга хомиладор ёки ёш болали аёлларга ва харбий хизматчиларга кулланилмайди. Жазони уташ мобойнида мехнатга яроксиз булиб колган шахсларга нисбатан ахлок тузатиш ишлари бошка енгилрок жазо тури билан алмаштирилиши мумкин.

## 5. Хизмат буйича чеклаш.

Хизмат буйича чеклаш жазоси ЖК.нинг 47-моддасига мувофиук офицерлар таркибига кирувчи харбий хизматчи, пропоршик, мичман ва харбий хизматни шартнома асосида утаётган харбий хизматчининг суд хукмида курсатилган муддат давомида муайян хукук ва имтиёзлардан махрум килиб, пул таъминотининг ун фоизидан уттиз фоизигача булган микдорини давлат даромади хисобига ушлаб колишдан иборатдир.

Махкум хизмат буйича чеклаш жазосини уташи давомида турли хил рагбатлантириш ва имтиёзли хукуклардан вактинчалик махрум килинади. Хизмат буйича чеклаш жазосининг муддати умумий мехнат стажига давлат пенсиясини тайинлаш муддатига кушилмайди. Жазонинг бу турини суд харбий хизматчиларга харбий хизмат билан боглик булган жиноят содир килганларида конун санкциясида назарда тутилган холларда танланади. Харбий хизмат билан боглик булмаган жиноятлар содир килинганда эса, агар жиноят эхтийтсизликдан содир килинган булса ёки кастдан килинган жиноят ижтимоий хавфли окибатларга сабаб булмаган булса ва суд ишининг холатлари ва махкумнинг шахсини хисобга олган холда уч йилдан куп булмаган муддатга озодликдан махрум килиш, камок ёки ахлок тузатиш ишлари жазоси тайинлаш урнига шу муддатга хизмат буйича чеклаш жазосини куллаш мумкин.

## 6. Камок.

Камок жазоси Узб. Рес. жиноят конунида янги жазо туридан булиб, куп йиллардан бери олимлар уртасида киска муддатли озодликдан махрум килиш яхши самара бермаётганлиги ва унинг урнига бошка бир жазони куллаш таклиф килиб келинган эди. Узб. Рес. ЖК.га камок мустакил жазо тури сифатида киритилиши муносабати билан бу муоммо хал этилди. Маълумки, жазонинг мухим хусусиятларидан бири куркитишдир. Биринчи мартта жиноят содир этганларга кулланиладиган бу жазо жиноятнинг кандай окибатлар келтириб чикариши мумкинлигини жуда аник курсатиб шахсда жазодан куркишни шакиллантириши ва шахс тавба килиб, иккинчи мартта жиноят килмаслик учун узига-узи ахд килиши мумкин.

Камок озодликдан махрум килиш жазосидан фарк килиб ЖК.нинг 48-моддаси мазмунига кура махкум жамиятдан батамом ажратилган холда сакланади. Демак махкум мехнатга жалб килинмайди кариндошлари билан дийдор куришувига, йукловлар олишга рухсат этилмайди. Махкум жазо муддати давомида махсус саклаш жойида (камерада) сакланади, Камок жойида эркин харакат килиб юришга йул куйилмайди.

## 7. Интизомий кисмга жунатиш.

Интизомий кисмга жунатиш жазоси судлар томонидан факат муддатли харбий хизматчиларга кулланиладиган жазо туридир. Интизомий кисмга жунатишда жиноят содир килган харбий хизматчи мажбурий тарзда хукмда курсатилган муддатга махсус харбий интизомий кисмга жунатилади. Жазонинг бу турини куллашда судлар муддаитли харбий хизматчиларни охлокан тузатиш ва тарбиялаш вазифаларидан келиб чикиб тайинланади.

Одатдаги харбий кисмлардан фаркли равишда интизомий кисмларда махкумлар жазони уташ мобойнида муайян хукук ва имтиёзлардан махкум килинадилар. Улар нисбатан махсус интизомга буйсиниш тартиб-коидалари кулланилади.

ЖК.нинг 73-моддасига биноан интизомий кисмга юборилган махкумлар хам урнатилган тартиб-коида талабларини бажарган ва хизматга халол муносабатда булганлари такдирда муддатидан илгари жазони уташдан шартли равишда озод килинишлари хам мумкин.

Агар шахс илгари озодликдан махрум махрум килиш тарикасидаги жазони утаб чиккан булса, янги содир килган жинояти учун тайинланган озодликдан махрум килиш жазосини интизомий кисмга юбориш билан алмаштирилши мумкин эмас.

## 8. Озодликдан махрум килиш.

Озодликдан махрум килиш махкумни суднинг хукмида курсатилган муддатга шу жазони махсус уташ жойларига жойлаштириб, мажбурий тарзда жамиятдан ажратишдан иборат. Озодликдан махрум килинган махрумлар хукукий холатларда жамиятнинг бошка азоларидан фаркли равишда факат озодлиги чегаралаб куйилмаган, балки бир канча хукуклардан хам махрум килиниадилар. Масалан, озодликдан махрум килинган махкмлар эркин холда мехнат турини танлай олмайдилар, уларга нисбатан вактлари купрок белгиланади, иш хаклари чегараланган микдорда туланади ва хокозо.

Озодликдан махрум килинган махкумларнинг барчасининг хам хукукий холатлари бир хилда чегараланавермайди. Озодликдан махрум килиш махкумни суднинг хукмида курсатилган муддатга шу жазони махсус уташ жойларига жойлаштириб, мажбурий тарзда жамиятдан ажратишдан иборат. Озодликдан махрум килинган махкумлар хукукий холатларда жамиятнинг бошка аъзоларидан фаркли равишда факат озодлиги чегаралаб куйилмай, балки бир канча хукуклардан хам махрум килинадилар. Масалан, озодликдан махрум килинган махкумлар эркин холда мехнат турини танлай олмиайдилар, уларга нисбатан иш вактлари купрок белгиланади, иш хаклари чегараланган микдорада туланади ва хокозо.

Озодликдан махрум килиш ЖК.нинг 50-моддасига мувофик олти ойдан йигирма йилгача муддатга, бир неча жазоларни кушиш йули билан жазо тайинлашда эса йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин. Вояга етмаган шахсларга нисбатан олти ойдан ун йилгача тайинланиши мумкин. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, янги Жиноят конуни принципларига кура судлар озодликдан махрум килаш жазоси урнига озодликдан махрум килиш билан боглик булмаган жазоларни купрок куллашга амал килишлари лозим. Шунинг учун хам жиноят конунлари санкциялари енгил жазодан огирига караб тузилган. Озодликдан махрум килиш огир ва ута огир жиноятлардан купрок назарда тутилган.

## 9. Улим жазоси.

Жиноят конунида ***улим жазоси*** энг огир жазо хисобланади. Шунинг учун хам уз вактида бу жазони фавкулотдда жазо чораси деб айтиладиган эди. Бу жазони бир катор олимлар жазо тизимидан чикариш масаласини хам куйган эдилар. Шунинг учун хам отиб улдириш тарикасидаги улим жазосини ута хавфли жиноятларни содир килган шахсларгагина кулланилади. Бундай жиноятларга конун жавобгарликни огирлаштирадиган холатларда кастдан одам улдириш (ЖК 97-моддасининг иккинчи кисми), номусга тегиш (ЖК 118-моддасининг туртинчи кисми), агрессия (ЖК 151-моддасининг иккинчи кисми), геноцид (ЖК.нинг 153-моддаси), теролизм (ЖК 155-моддасининг учинчи кимсми), давлатга хоинлик килиш (ЖК 157-моддасининг биринчи кисми), Узб. Рес. Президентига тажовуз килиш (ЖК 158-моддасининг биринчи кисми), жосуслик (ЖК 160-моддасининг биринчи кисми), жиноий уюшма ташкил этиш (ЖК 242-моддасининг биринчи кисми), контрабанда (ЖК 146-моддасининг иккинчи кисми), гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни конунга мувофик равишда олиб утиш (ЖК 272-моддасининг иккинчи кисми) ларни киритади.

Улим жазосини куллаш жараёнида судланувчининг рухий холатини хам хисобга олиш зарур хисобланади.

Улим жазосини факат жиноят содир этиш пайтида вояга етган эркак жинсидаги шахсларгагина кулланилиши мумкин, вояга етмасдан жиноят содир килган шахсларга ва аёл жинсдаги жиноят содир килганларга нисбатан кулланилиши мумкин эмас. Суд томонидан тайинланган улим жазоси авф этиш оркали йигирма беш йил муддатга озодликдан махрум килиш алмаштирилиши мумкин.

**10. Харбий ёки махсус унвондан махрум килиш.**

Харбий ёки махсус унвондан махрум килиш жазоси жиноий жазо сифатида асосий жазога кушимча жазо тарикасида кулланилиши мумкин. Бу жазо жиноят конунига асосан (ЖК.нинг 52-моддаси) шахс огирн ёки ута огир жиноят содир килган булсагина тайинланади. Харбий ёки махсус унвонлардан махрум килиш жазоси махкумларга нисбатан маънавий мазмундаги жафо келтириб, махкумни айрим имтиёзлардан махрум булишига сабаб булади.

Харбий ёки бошка махсус унвонлардан кайси органлардан берилганлигининг хам ахамияти катта. Жумладан, Олий харбий махсус унвонлар ёхуд Узб. Рес. нинг давлат мукофотларидан махрум килишда суд махкум шундай унвон ёки мукофотларга лойик эмаслигини мухокама килиш мумкин холос. Агар лойик эмас деган фикрга келса, хукм конуний кучга киргандан кейингина бундай таклиф билан шу унвонларни берган органга мурожаат этиш мумкин.. Бу органлар эса Олий харбий ва Олий махсус унвонлардан махрум килиш масаласини куриб чикадилар. Бошка унвонлардан махрум килиш эса суд томондан хал килиниши мумкин.

Собик СССР давлат унвони ва мукофотларидан махрум килиш масаласини хозирги кунда мухокама килиш мумкин эмас.

**11. Мол-мулкни мусодара килиш.**

Мол-мулкни мусодара килиш жазоси (ЖК.нинг 53-моддаси) кушимча жазо сифатида асосий жазога конунда курсатилган холатлардагина кушиб тайинланиши мумкин. Мол-мулкни мусодара килиш жазоси уз мохиятига кура махкумнинг шахсий мулкини ёки умумий мулкдан унга тегишли кисмини мажбурий равишда давлат хисобига утказишдар.

Мол-мулкни мусодара килиш тула ёки кисман мусодара килиш тартибида кулланилиши мумкин. Суд бу масалани хукмда аник курсатиши лозим булади. Кисман мусодара килишда юкорида таъкидланган карорнинг 1/2, 1/3 ва хакозо кисмларга нисбатан кулланилиши мумкин эканлиги таъкидланади. Шунингдек суд руйхатга олинган мол-мулкдан айнан нималар мусодара килинишини хам номма-ном курсатиб утиш лозим.

Мол-мулкни мусодара килиш жазосини жарима жазосидан хам фарклаш мумкин. Хар иккала жазо хам махкумга моддий кулфат келтиришни назарда тутади, лекин жарима жазоси асосий жазо тарикасида тайинланса, мол-мулкни мусодара килиш эса факат кушимча жазо сифатида тайинланиши мумкин. Жарима жазосида суд махкумнинг мол-мулкига нисбатан белгиламайди, мол-мулкни мусодара килиш эса махкумнинг мол-мулки мавжудлигига караб тайинланади, агар мол-мулки булмаса, мол-мулкни мусодара килиш куллаш мумкин эмас.

Мол-мулкни мусодара килиш жазосини ижро этгунга кадар умумий амнистия актининг эълон килиниши ёки махсус авф этиш тарикасида жазони уташдан озод этилганда, бу жазодан хам озод этилиши мумкин. Лекин жазо хали ижро этилмаган булиши лозим.

## 14-мавзу: ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД КИЛИШ

**1. 1. Жиноий жавобгарликдан озод килиш тушинчаси ва турлари.**

Умумий коидага кура жиноят содир килган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш унга жиноий жазо куллашда ифодаланади. Жиноятларнинг катъий руйхати эса Узб. Рес. нинг Жиноят кодекси Махсус кисмида берилган. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг харакатида Жиноят кодекси Махсус кисмининг ё ёки бу моддаси назарда тутилган жиноятларнинг барча белгилари булган  ва тергов материаллари оркали тула аникланган булиши керак, Ана шундагина шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Бундай талаб Узб. Рес. Конституциясида белгилаб куйилган булиб, унинг 26-моддасида жиноят содир этганликда айибланаётган хар бир шахснинг иши судда конуний тартибда, ошкора куриб чикилиб, унинг айби аникланмагунча у айибдор хисобланмайди, дейилади.

Жиноят конунининг жиноий жавобгарликдан озод килишни назарда тутувчи нормаларида жиноят содир килган, айби исботланган ва килмиши Жиноят кодекси Махсус кисмининг тегишли моддаси билан квалификация килинган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод килиш масаласи устида гап боради.

Жиноий жавобгарликдан озод килиш эса килмишда Жиноят кодексининг Махсус кисмидаги у ёки бу моддада назарда тутилган жиноятнинг хамма белгилари озод килишнинг хар бир тури белгиланган норманинг узида курсатилади.

Жиноят кодекси Умумий кисмида назарда тутилган жиноий жавобгарликдан озод килишнинг кайси бири турикулланмасин, шахс жиноий жавобгарликдан тула тури кулланмасин, шахс жиноий жавобгарликдан тула озод килинади ва юридик окибатлар вужудга келмайди. Яъни шахс жиноий жавобгарликдан озод килингандан кейин жиноят содир килса, такроран жиноят содир килган деб хисобланмайди ва такроранлик белгиси келиб чикмайди.

## 2. 2. Жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод килиш.

Жиноят конунининг инсонпарварлик принципларидан бири, агар жиноят содир килган шахс конунда белгиланган муддатлар утиб кетса, жиноий жавобгарликка тортилмаслигидар. ЖК нинг 64-моддасида жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг утиб кетганлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод килиш белгиланган булиб, агар жиноят содир килган кундан бошлаб конунда белгиланган муддатлар утиб кетган булса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноят содир килган кундан бошлабконунда белгиланган муддатдан утиб кетмай, жиноий жавобгарликка тортиш мумкин булган муддатлар жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари деб айтилади.

Жиноят содир килинган кундан бошлаб куйидаги муддатлар утиб кетган булса, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди:

а) ижтимоий хавфи катта булмаган жиноят содир килинган кундан бошлаб – беш йил;

б) унча огир булмаган жиноят содир килинган кундан бошлаб – беш йил;

в) огир жиноят содир килинган кундан бошлаб – ун йил;

г) ута огир жиноят содир килинган кундан бошлаб – ун беш йил утиб кетган булса, шахс жиноий жавобгарликдан озод килинади.

Шахс жиноят содир килингандан кейин терговдан яширинса ёки суддан кочса, жавобгарликдан озод килишнинг алохида муддати белгиланган булиб, факат йигирма беш йил утгандан кейингина жавобгарликдан озод килинади. Аммо шахс шу муддат ичида огир ёки ута огир жиноят содир килмаган булиши кераг. Айибдорнинг жиноят квалификация килинган норманинг санкциясида улим жазоси кузда тутилган булса, жавобгарликка тортиш муддатларининг махсус коидаси тадбик килинади. Бундай холда жавобгарликка тортиш мухлатларини куллаш ёки кулламаслик масаласини суд хал килади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатларини куллашни лозим топса, улим жазоси урнига озодликдан махрум килиш жазосини тайинлаши мумкин.

### 3. 3. Килмиш ёки ижтимоий хавфылилиги йукотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод килиш.

Узб. Рес. Жиноят конунининг инсонпарварлик принципларидан бири жиноий килмиш ижтимоий хавфлилигини йукотганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод килишдар.

Шахсни Узб. Рес. Жиноят кодексининг 65-моддаси коидаларини куллаб, жиноий жавобгарликдан озод учун килмиш содир килинган пайтда жиноят таркибининг барча белгилари булган, аммо ишни тергов килиш ёки судда куриш пайтида шароит узгарганлиги туфайли содир этилган килмиш узининг ижтимоий хавфлилигини йукотган ёки жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йукотган булиши керак.

Жиноий жавобгарликдан озод килишнинг ушбу турида килмишнинг ижтимоий хавлилик хусусиятини ва жиноят соди этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йукотганлиги масаласи шароитнинг узгарганлиги туфайли булган булиши керак. Жавобгарликдан озод килишнинг бу тури факат ишни тергов килиш ёки судда куриш пайтида шароит узгарганлиги туфайли килмиш ёки шахс ижтимоий хавлилик хусусиятини йукотгандагина кулланади. Хукм килингандан кейин 65-моддани куллаб жавобгарликдан озод озод килиш мумкин эмас. Шахсни ЖК.нинг 65-моддаси тартибида факат суд жавобгарликдан озод килади.

### 4. 4. Айибдор уз килмишига чин кунгилдан пушаймон булганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод килиш.

Айибдорнинг уз килмишига чин кунгилданпушаймон булганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод килиш Узб. Рес. жиноят хукукидаги инсонпарварлик принципининг яна бир куринишидир. Маълумки, 1959 йили кабул килиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда булган жиноят конунида, шунингдек, собик СССР таркибига кирувчи иттифокдош республикалар Жиноят кодексларида бундай норма булган эмас.

Шахсни ЖК.нинг 66-моддасига кура, жиноий жавобгарликдан озод килишни куллаши учун:

1) содир этилган килмиш катта ижтимоий хавф тугдирмайдиган ёки унча огир булмаган жиноят булиши;

2) шахс жиноятни биринчи марта содир килган булиши;

3)жиноят туфайли бирон-бир зарар келиб чиккан булса, зарарни уз ихтиёри билан бартараф килган булиши;

4) 4) Килмишига чин кунгилдан пушаймон булиб, айибни буйнига олиб, уз ихтиёри билан келган ёки арз килган ва жиноятини очишга фаол ёрдам берган булиши керак.

Жавобгарликдан озод килиш жиноятга тайёргарлик куриш, суикасд килиш ва иштирокчиликда айибланган шахсларга нисбатан хам куллаш мумкин. Шунингдек, шахснинг олдинги жинояти учун судланганлик муддати утиб кетган ёки судланганлик конунда белгиланган тартибда олиб ташланган шахсларга нисбатан хам кулланилиши мумкин.

ЖК нинг 26-моддсида жиноят содир этишдан ихтиёрий кайтиш кузда тутилган булиб, 66-моддада кузда тутилган жавобгарликдан озод килишдан тамоман фарк килади.

Жиноий жавобгарликдан озод килинган шахс судланмаган деб хисобланади. Шунга кура ЖК нинг 66-моддаси кулланиб, жавобгарликдан озод килинган шахс янги жиноят содир килса, унинг жавобгарлиги умумий тартибда хал килинади.

### 5. 5. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод килиш.

Маълумки, шахс уз харакатларини бошкара олмайдиган ва окибатни англамайдиган холатдаги рухий касаллик холатида ижтимоий хавфли килмиш содир килса, жиноят хисобланмайди. Агар шахс ижтимоий хавфли килмишни содир килиш пайтида акли расо булиб, суд хукм чикаргунча уз харакатини

бошкара олмайдиган ва окибатни англамайдиган холатдаги рухий касалликга чалиниб колса, килмиш жиноят хисобланади ва бундай шахсга нисбатан Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодексининг нормалари тадбик килинади.

Конунда белгиланган жавобгарликдан озод килиб, яна тузалгандан кейин жиноий жавобгарликка тортиш жавобгарликка тортиш жавобгарликдан озод килишнинг принципига зиддир. Чунки, бир томондан, жавобгарликдан озод килишни куллаб, иккинчи томондан, 64-моддада кузда тутилган муддатлар утмасдан жавобгарликка тортиш уз мазмунига кура жавобгарликдан озод килиш эмас, балки жавобгарликка тортиш муддатлари утиб кетмаганлиги туфайли жавобгарликка тортишдан бошка нарса эмас. Суд шахсни жавобгарликдан озод килдими, демак, уни яна кайтадан жавобгарликка тортиш масаласи куйилмаслиги керак. Агар суд жавобгарликдан озод килмасдан тиббий йусиндаги мажбурий даволаш чораларини кулласа бошка гап. Бундай холда 64-моддада кузда тутилган муддатлар утмасдан шахс тузалса, жавобгарликка тортиш масаласи куйилса, тугри булади. Шунга кура шахсга нисбатан жавобгарликдан озод килиш нормаси тадбик килинар экан, уни яна жавобгарликка тортиш масаласи куйилмаслиги керак. Жавобгарлика тортиш муддатларини сунъий равишда узайтириш шахснинг жиноят-хукукий ахволини огирлаштиришдир.

## 15-мавзу: ЖАЗОДАН ОЗОД КИЛИШ.

Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII бобида жиноий жазодан озод килиш тугрисидаги нормалар уз ифодасини топган булиб, бунда Узб. Рес. Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципи намоён булади. Жиноят конунининг инсонпарварлик принциплари, энг аввало, ЖК нинг 2-моддасида курсатилган булиб, Жиноят кодексининг вазифалари, шахсни, унинг хукук ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табий мухитни, тинчликни, инсонлар хавсизлигини жиноий тажовузлардан куриклаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фукароларни республика Конституцияси ва конунларига риоя килиш рухида тарбиялашдан иборатдаир. Шундай экан, бундай вазифа жиноят содир килган шахсларга хам тадбик этилади.

Жк 42-моддасининг иккинчи кисмига мувофик жазодан озод килишнинг максадларидан бири махкумни ахлокан тузатишдар. Демак, жиноят конунининг вазифаларидан бири фукароларни Узб. Рес. Конституцияси ва конунларига риоя килиш рухида тарбиялашдан, жазонинг максадларидан бири эса махкумни тузатишдан иборат экан, жиноят содир килган аммо хукм чикариш ёки жазони уташ вактида шахснинг жамият учун хавфлилик хусусияти йуколган, килмишига чин кунгилдан пушаймон булган булса , бундай шахсга нисбатан уни тарбиялаш ва ахлокни тузатишнингжиноий жазо куллаш оркали хал килинишига хожат колмайди. Бундай шахсларга нисбатан суд Жиноят кодексида назарда тутилган жазодан озод килишнинг бирор турини иш холатларига караб куллаши мумкин.

Жиноят кодексида жазодан озод килишнинг куйидаги турлари назарда тутилган:

1) 1) жазони ижро этиш муддати утиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод килиш;
2) 2) жазони ижро этиш муддати утиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод килиш;
3) 3) айибдорни килмишига чин кунгилдан пушаймон булганлиги муносабати билан жазодан озод килиш;
4) 4) шартли хукм чикаиш;
5) 5) жазони утащдан муддатидан илгари шартли озод килиш;
6) 6) жазони енгилроги билан алмаштириш;
7) 7) касаллик ёки мехнат кобилиятини йукотганлиги окибатида жазодан озод килиш;
8) 8) аминистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод килиш.

## 16-мавзу: ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

Жиноят ишини хал килиш биринчи инстанция судида куриб чикиш ва хукм чикариш билан якунланади. Агар суд судланувчини жиноят содир этишда айибдор деб топилса, одатда унга унга нисбатан жазо тайинланади. Жиноят ишлари буйича одил судловни амалга оширишда суднинг процессуал фаолияти жазо тайинлаш боскичи жуда мухим ва маъсулиятли кисмдир, чунки тайинланган жазо етарли даражада айибдорни содир этган жинояти учун хам жазолаши, хам Жкнинг 42-моддасида белгиланган жазо максадларига эришиш учун етарли булиши керак. Жиноят содир этишда айибдор деб топилган шахсларга нисбатан жазо тайинланишига катта ахамият берган холда Узб. Рес. Олий судининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноий жазо чораларини тайинлаш амалиёти хакида»ги Пленум карорида «Факатгина асосланган ва адолатли жазо тайинлаш жамиятни жиноий тажовузлардан самарали химоясини таъминланишига, махкумларнинг тузатиш ва кайта тарбиялашга, судланган ва бошка шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олди олишига кобилиятли булиши мумкин», - деб курсатди.

Конун талаблари (Жкнинг 42-моддаси)га ва юкорида айтиб утилган Олий суд Пленумининг берган тушинтиришига асосланган холда айиб7дорга жазо тайинланишининг умумий асослари хакидаги талабларга риоя килишларини таъминлайди.

### 1. 1. *Жазо тайинлашнинг умумий асоалари.*

Жазо тайинлашнинг умумий асослари Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида баён этилган булиб: "Жиноят содир этишда конунда белгиланган тартибда айибли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус кисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий кисмнинг коидаларига мувофик жазо тайинлайди", дейилади.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, килмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва микдорини, айибдорнинг шахсини хамда жазони енгиллаштирувчи ва огирлаштирувчи холатларни хисобга олади.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари ёки умумий коидалари мухим амалий ахамиятга эгадир. Уни Жкнинг 54-моддасида белгиланган тартибда куриб чикамиз.

1. Мазкур модданинг биринчи кисмида: "Жиноят содир этишда конунда белгиланган тартибда айибли деб топилган шахс жазога тортилади", дейилган. Суд ёки судья томонидан амалда конунларга каттик риоя килган холда тергов органлари томонидан тупланганишончли, шак-шубха тугдирмайдиган далилларга асосланган холда айиблов хукми чикарилади. Агар айиблов шубхали асослантирилмаган далилларга асосланган булса, айиблов хукми чикарилмаслиги керак. Масалан, Ю.нинг хонадонида тинтув утказиш, гиёхванд воситаларни олиб куйиш ЖПКнинг 161-моддасида белгиланган олиб куйиш ва тинтув утказиш тартибига булган талабларни купол равишда бузган холда утказилганлиги учун Олмалик шахар суди Жкнинг 173-моддаси 1-кисми (гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни утказиш максадни кузлаб конунга хилоф равишдаэгаллаш, саклаш ва бошка харакатлар) билан судга берилган Ю.га нисбатан оклов хукми чикаради.

2. Айибдорга нисбатан асосланган ва адолатли жазо тайинлашнинг мухим шарти – унинг килмишини тугри квалификация килишдир, яъни айнан шу килмиш учун жавобгарликни кузда тутган Жкнинг моддаси, тегишли кисми ва бандини тугри куллашдир. Масалан, шахс Жкнинг 128-моддасида кузда тутилган (16 ёшга тулмаган шахс билан жинсий алока килиш) жиноятни содир этган. Ушбу жиноят учун икки йилгача ахлок тузатиш ишлари ёки олти ойгача камок ёхуд уч йилгача озодликдан махрум килиш кузда тутилган, тергов органлари ва суд эса айибдорнинг харакатларини ЖКнинг 118-модда 3-кисм (вояга етмаган шахснинг номусига тегиш) буйича квалификация килган. Ушбу жиноят учун 10 йилдан 15 йилгача озодликдан махрум килиш билна жазоланиш кузда тутилган. Мазкур холатда судланувчига ЖКнинг 118-моддаси 3-кисми билан жазо тайинлаб, санкцияда курсатилган жазонинг энг кам кисми тайинланган такдирда хам содир этилган жиноятнинг огирлигига тугри келмаган булар эди.

3. Суд Махсус кисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада жазо тайинланади (ЖКнинг 54-моддаси 1-кисми).

4. Айибдорга асосий жазо билан бирга кушимча жазо хам тайинланиши мумкин. Харбий ёки махсус унвондан махрум килиш (Ж.К.нинг 52-моддаси) ва мол-мулкни мусодара килиш (ЖКнинг 53-моддаси) факат кушимча жазо сифатида тайинланиши мумкин. Муайян хукукдан махрум килиш эса (ЖК.нинг 45-моддаси) конун санкцасиясида белгиланган булсагина хам асосий жазо тарикасида, хам кушимча жазо сифатида тайинланиши мумкин. Агар муайян хукукдан махрум килиш альтернатив санкция тарикасида асосий жазо сифатида куллаши мумкин.

5. Суд ЖК Умумий кисмининг коидаларига мувофик жазо тайинлайди. ЖК.нинг Умумий кисмида мавжуд булган бир канча хукукий нормалар жазо тайинлаш коидаларини узида акс эттирмаса-да, лекин суд томонидан бу мухим масаланинг хал килиниши билан бевосита боглик булган жиноят учун судланган шахсга нисбатан кулланади. ЖК.нинг 46-модда 3-кисмида: "Ахлок тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, мехнатга кобилиятсизларга, хомиладор аёлларга, ёш боласини бокиш учун таътилда булган аёлларга ва харбий хизматларга нисбатан кулланилмайди", дейилган. ЖК.нинг 51-моддасида ва 18 ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан улим жазосини тайинлаш таъкикланади. ЖК.нинг 58-моддаси 1-кисмига биноан суд томом булмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал килган холда жиноятнинг огир-енгилини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини хам хисобга олади. ЖК.нинг 58-модда 2-кисмига кура, "Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд хар кайси айибдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини, унинг шахсига тегишли булган енгиллаштирувчива огирлаштирувчи холатлар суд томонидан факат шу иштирокчининг узига жазо тайинлашда хисобга олинади".

6. Суд жазо тайинлашда етказилган зарарнинг хусусияти ва микдорини хам хисобга олади.

Етказилган зарарнинг хусусияти ва огирлигига караб турли хил жиноий окибатларни назарда тутган, улардан бири жиноят таркиби учун зарур ва етарли булган хукукий нормалар Республикамиз Жиноят киодексида анчагина моддаларда (масалан, ёнгин хавфсизлиги коидаларини бузиш одам улимига ёки бошка огир окибатлар келиб чикишига сабаб булса, ЖК.нинг 259-модда 2-кисмида) курсатилган жиноят таркибини ташкил килади. Транспорт воситалари харакати ёки улардан фойдаланиш хавсизлиги коидаларини бузиш жабрланувчи баданига огир ёки уртача огир шкаст етказилишига сабаб булса, ЖК.нинг 266-моддаси 1-кисми билан квалификация килинади. Айибдорнинг харакатларини 169-модда 3-кисми билан квалификация килиш учун эса угрилик туфайли энг кам ойлик иш хакининг 30 дан 100 бараваригача булган мулк талон-тарож килинганми, йукми, ахамияти йук, чунки иккала холатда хам талон-тарож килинган мулк куп микдордадир.

### 2. 2. Жазони енгиллаштирувчи холатлар.

ЖК.нинг 55-моддасига асосан куйидаги холатлар жазони енгиллаштирувчи холатлар деб топилади:

а) айибни буйнига олиш тугрисида арз килиш, чин кунгилдан пушаймон булиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш.

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф килиш;

в) огир шахсий, оилавий шароитлар окибатида ёки бошка мушкил ахволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жихатдан ёхуд бошка жихатдан карамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зурлик, огир хакорат ёки бошкача гайриконуний харакатлар туфайли вужудга келган кучли рухий хаяжонланиш холатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чикиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли килмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хужалик фаолиятига боглик булган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаган жиноят содир этиши;

з) хомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг гайриконуний ёки ахлокка зид хулк-атвор таъсири остида жиноят содир этиш.

ЖК.нинг 55-моддаси 1-кисмида баён этилган бу холатлар бошка холатларга нисбатан купрок учрайдиган енгиллаштирувчи холатлардир. Шунинг учун ЖК.нинг 55-модда 2-кисмида: «Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошка холатларни хам енгиллаштирувчи холат деб топиши мумкин», дейилади. Ушбу масаланинг айнан шундай хал килиниши суд амалиётида тез-тез усчраб туради. Узаро жанжал пайтида фукаро Е. фукаро Ф.нинг баданига уртача огир шкаст етказган. Ушбу жиноят учун ЖК.нинг 105-модда 1-кисмида уч йилдгача ахлок тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан махрум килиш билан жазоланиши назарда тутилган. Суд айибдорни олти ой муддатга ахлок тузатиш ишига хукм килиб, жазони уз иш жойида уташ ва иш хакидан ун фойиз давлат хисобига ушлаб колишни белгилаган. Суд хукмида жанжални жабрланувчининг узи бошлаганлигини, у хам фукаро Е. га енгил шикаст хамда моддий зарар етказилганлигини, фукаро Е. Ю.нинг карамогида учта ёш боласи, кекса кайнонаси ва мехнатга яроксиз хотини борлигини енгиллаштирувчи холатлар сифатида инобатга олиб, жазо тайинланган. Жабрланувчининг вакили касация шикоятида суд Е.га ЖК.нинг 55-моддасида назарда тутилмаган холатларни енгиллаштирувчи холат деб инобатга олиб, ЖК.нинг 105-модда 1-кисмидаги минимал жазони асоссиз тайинлаганлигини курсатган. Юкори турувчи суд мазкур иш буйича чикарилгаен хукмни узгартиришсиз колдирди.

ЖК.нинг 55-модаси 3-кисмида мухим коида ифодаланган булиб, унда: «Енгиллаштирувчи холат ушбу Кодек Махсус кисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган булса, жазо тайинлашда хисобга олинмайди», дейилган. Бунда шундай мазмун келиб чикади: масалан, шахс зарурий мудофа чегарасидан четга чикиб, кастдан баданга огир шикаст етказиш жиноятини содир килган булса, ЖК.нинг 107-моддаси билан суд ЖК.нинг ушбу моддаси буйича жазо тайинлашда, яна ЖК.нинг 55-модда «Е» бандига хавола килган холда жазо тайинламаслиги керак. Чунки конун чикарувчи орган 107-моддани тузиб чикишда эътиборга олган. Демак, енгиллаштирувчи холат ЖК. Махсус кисми моддасида квалификация килишнинг зарурий белгиси сифатида курсатган булса, ЖК.нинг 55-моддаси инобатга олинмай жазо тайинланади. Содир этилган жиноятда ЖК.нинг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи холатлар мавжуд булса, суд жазо тайинлашда:

а) алтернатив санкцияда белгиланган жазо турларидан енгилрогини тайинлаши;

б) санкцияда курсатилган энг оз кисмига якинрок муддатини ёки кисмини тайинлаши;

в) алтернатив белгиланган кушимча жазони кулламаслиги;

г) шартли хукм килишни куллаш мумкин.

## 3. 3. Жазони огирлаштирувчи холат.

ЖК.нинг 56-моддасига асосан куйидаги холатларди жиноят содир этиш жазони огирлаштирувчи холатлар деб топилади:

а) хомиладорлиги айибдорга аён булган аёлга нисбатан;

б) ёш бола, кария ёки ожиз ахволдаги шахсга нисбатан;

в) хизмат визифаси ёки фукаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг якин кариндошларига нисбатан;

г) айибдорга моддий томондан, хизмат жихатидан ёки бошка жихатдан карам шахсга нисбатан;

д) ута шафкатсизлик билан;

е) купчилик учун хавфли булган усулда;

ж) ёш бола ёки рухий касаллиги айибдорга аён булган шахсдан фойдаланган холда;

з) жиноят натижасида огир окибатларнинг келиб чикканлиги;

и) умуий офат шароитидан фойдаланган холда ёки фавкулотда холат вактида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

к) гаразли ёки бошкача паст ниятлар;

л) иркий ёки миллий душманлик ёхуд адолат замирида;

м) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган холда ёки уюшган гурух ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

н) илгари хам кастдан жиноят содир этганшахснинг такроран ёки касддан янги жиноят содир этиш;

о) мастлик холатида ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг акл-идрокига таъсир килувчи бошка моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

ЖК.нинг 56-модда 3-кисмида огирлаштирувчи холатлар Жиноят кодекси Махсус кисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган булса, жазо тайинлашда хисобга олинмаслиги назарда тутилган. Аммо ЖК.нинг 56-моддаси 1-кисмида белгиланган, тегишли жиноят таркибининг зарурий белгиси булган баъзи огирлаштирувчи холатлар, масалан, ЖК.нинг мулкни талон-тарож килганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 164 – 169-моддаларида, ЖК Махсус кисмининг бир канча нормаларида назарда тутилган такроран жиноят содир килиш тушинчасидир. Конун мазмунига кура, айибдор томонидан бир жиноятни икки марта, уч марта, беш марта, ун марта ва ундан купрок содир килган такдирда хам такроран жиноят килган деб хисобланади. Айтайлик, фукаро А. икки марта, фукаро В. эса олти марта талончилик килган, уларнинг хар иккаласининг килмишини ЖК.нинг 166-модда 3-кисми «а» буйича квалификация килинди, лекин жиноятчи В. нинг ушбу огирлаштирувчи холатининг ифодаланиш даражаси юкорирок, жиноят туфайли етказилган зарарнинг микдори эса купрок, бу эса уз навбатида айибдорга жазо тайинлашда суд томонидан албатта хисобга олиниши лозим.

## 4. 4. Енгилрок жазо тайинлаш.

Суд ЖК.нинг Махсус кисмида назарда тутилган жиноятни содир этгани учун жавобгарлик белгиланган модданинг санкцияси доирасида ЖК 54-моддасининг талабларига риоя килган холда жазо тайинланади. Конун ана шу коидадан четга чикиб, санкцияда белгиланган жазонинг энг куп кисмидан купрок жазони тайинлашга йул куймайди. Енгилрок жазони тайинлашга эса конун судларга имконият беради. Бу коида ЖК.нинг 57-моддасида курсатилган булиб, унда шундай баён килинади: «Суд содир этилган ижтимоий хавфлиликдаражасини жиддий камайтирувчихолатларни эътиборга олиб, алохида холларда ушбу Кодекс Махсус кисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам кисмидан хам камрок ёки шу модда назарда тутилмаган бошка енгилрок тардаги жазони тайинлаши мумкин».

Содир этилган жиноятда ана шундай вазифаларнинг булиб колиши мумкинлигини эътиборга олиб, конун чикарувчи орган Ж.нинг 54-моддасида назарда тутилган коидалардан истисно тарикасида, яъни санкция доирасида жазо тайинлаш коидасидан четга чикиб, ЖК.нинг 57-моддасида курсатилганидан хам енгилрок жазо тайинланиш коидасини киритиб куйди. Аммо конун факат фавкулотда холатларда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи, енгиллаштирувчи холатларда содир этилган булса, жазо тайинлашнинг умумий коидаларидан бундай четга чикишга йул куяди.

ЖК.нинг 57-моддасида курсатилган асослар буйича енгилрок жазо тайинлаш учун жиноят ЖК.нинг 55-моддасида белгиланган холатлардан фарк аилувчи, кандайдир алохида енгиллаштирувчи холатларда содир этилиши талаб килинмайди, суд амалиётида кура судлар ЖК.нинг 55-моддасида белгиланган ва белгиланмаган енгиллаштирувчи холатларнинг бирлигида эътиборга олиб, агар килмишда огирлаштирувчи холатлар сифатида айибдорнинг жамият ва давлат олдидаги хизматларини, кексалигини, ёшини, соглигининг ёмонлашганлигини, карамогида ёш болалари, мехнатга яроксиз ота-онаси борлиги ва бошкаларни хисобга оладилар.

Конун енгилрок жазо тайинлашнинг иккита усулини назарда тутади ва улардан биттасини суд иш холатларига караб куллаш мумкин. Булар:

а) санкция курсатилган жазонинг энг кам кисмидан хам камрок жазо тайинлаш;

б) енгилрок жазо турини тайинлашдир.

Энг кам доирадан хам камрок жазо тайинлашда суд айибдорнинг килмиши квалификация килинган норманинг санкция белгиланган жазо турларининг биттасини, лекин берилган жазо тури учун санкцияда белгиланган жазо энг камдан хам камрокни тайинлайди. Масалан, ЖК.нинг 137-модда 1-кисми буйича одам угирлаганлик учун уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум килишни тайинлайди. Яна бир мисол, ЖК.нинг 167-модда 2-кисмида курсатилган узлаштириш ёки растратга йули билан талон-тарож килиш энг кам ойлик иш хаккининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорида жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлок тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара килиниб ёки мусодара килинмай, уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум килиш билан жазоланади, дейилган, суд эса ЖК.нинг 57-моддасини куллаб, айбдорни энг кам ойлик иш хаккининг йигирма бараварига тенг булган жарима хукм килган.

Юкорида келтирилган мисолда суд айибдорга бир йилдан беш йилгача муддатга муайян мансабни эгаллашини ёки муайян фаолият билан шугулланишини такиклаш (ЖК.нинг 45-моддаси) ёки энг кам ойлик хакининг беш бараваридан юз бараваригача микдорда жарима (ЖК.нинг 44-моддаси) тайинланиши мумкин.

ЖК.нинг 57-моддасини куллаб жазо тайинлашда конун ЖК.нинг 43-моддасида белгиланган енгилрок жазо турини танлашни чекламайди. Агар бундай жазо тури унинг килмиши квалификация килинган хукукий норманинг санкциясида белгиланган булса, ЖК.нинг 57-моддасини кулламасдан хам тайинланиши мумкин.

Шундай килиб, ЖК.нинг 57-моддасида курсатилган асослар мавжуд булса, суд айибдорга енгилрок асосий жазони санкция доирасида тайинлаш, мажбурий кушимча жазони эса кулламаслиги мумкин ёки айибдорга енгилрок асосий жазо тайинлаш ва мажбурий кушимча жазони кулламаслиги хам мумкин.

Республикамиз Жиноят кодексида суд куллаётган хукукий норманинг санкциясида белгиланганига нисбатан енгилрок жазо тайинлаш имконияти ЖК.нинг 47 ва 49-моддаларида хам берилган. ЖК.нинг 47-моддасида, агар офицерлдар таркибига кирувчи харбий хизматчи, прапоршик, мичман ёки харбий хизматни контракт буйича утаётган харбий хизматчи ижтимоий хавфи катта булмаган жиноят ёки огир окибатларни келтириб чикармаган эхтиётсизлик оркасида жиноят содир этса, иш холатлари махкумнинг шахсини хисобга олган холда суд уч йилдан куп булмаган муддатга озодликдан махрум килиш, камок ёки ахлок тузатиш ишлари урнига иш муддатга хизмат буйича чеклашни куллаши мумкин.

ЖК.нинг 49-моддасига кура, харбий хизматчини жазолашда суд иш холатлари ва айибдорнинг шахсини хисобга олган холда уч йилдан куп булмаган муддатга озодликда махрум килиш урнига шу муддатга интизомий кисмга жунатиши мумкин. Лекин ЖК.нинг 57-моддасини кулаб ЖК.нинг 47-49-моддаларида назарда тутилган жазо енгиллаштиришнинг факат биргина усули – битта жазо тури урнига енгилрок жазо турини тайинлаш курсатилган. Ушбу моддалар факат харбий хизматчиларга таалуклидар. Бундан ташкари ЖК.нинг 47-49-моддаларида курсатилган асослар буйича енгилрок жазо турини факат фавкулотда холатлардагина эмас, балки оддий енгиллаштирувчи холатларда хамтайинлаш мумкин.ЖК.нинг 57-моддасида курсатилган асослар буйича эса айибдор факат ижтимоий хавфи катта булмаган жиноят ёки огир окибатлар келтириб чикармаган эхтиётсизлик оркасида содир этилган жиноят учунгина енгилрок жазо турини тайинлаш мумкин.

Республикамиз Жиноят кодексида ун саккиз ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан айрим жазо турларининг муддатлари (микдори) жиддий камайтирилган. Масалан, бундай шахсга жариманинг жами энг кам ойлик иш хаккининг йигирма баравар микдоридан куп булиши мумкин эмас. Озодликдан махрум килиш жазоси, хатто ута огир жиноят учун хам ун йил муддатдан куп була олмайди. (ЖК.нинг 85-моддаси). Суд ЖК.нинг 82-85-моддаларида белгиланган жазо муддати (микдорлари), гарчи суд куллаётган хукукий норманинг санкцияларидаги муддатнинг энг кам кисмидан камрок булган такдирда энг куп кисмида ошиб кетмаслиги керак. ЖК.нинг 169-модда 2-кисмида курсатилган угирлик учун энг кам ойлик иш хакининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлок тузатиш ишлари ёки мол-мулкни мусодара килиб ёхуд мусодара килмай уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум килиш билан жазо тайинланади.

## 5. 5. Бир неча жиноят учун жазо тайинлаш.

ЖК.нинг 54-моддасида баён этилган жазо тайинлашнинг умумий асослари ёки умумий коидалари айибдор томонидан битта жиноят содир этилганда жазо тайинланишни назарда тутади. Аммо судларнинг иш фаолиятида бир неча жиноят содир этилганда, яъни жиноятлар мажмуи тарикасида жазо тайинлаш куп учрайди. Бундай холда жазо тайинлашнинг коидалари ЖК.нинг 59-моддасида курсатилган тартибда хал килинади ва унинг тартиби куйидагича белгиланган: "Шахс Махсус кисмнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортик жиноятни содир этган булиб,улардан бирортаси хам судланган булмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган коидаларга мувофик хар кайси жиноят учун жазо тайинлаб, сунгра Умумий кисмда шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тула ёки кисман кушиш йули билан жиноятлар мажмуи учунжазо тайинлайди". ЖК.нинг 59-моддасида факат жиноятлар мажмуи тарикасида жазо тайинлашнинг коидалари белгиланган. Жиноятларнинг мажмуи тушинчаси эса, ЖК.нинг 33-моддасида куйидагича ифодаланган: "Ушбу Кодекс Махсус кисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли кисимларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий килмишни содир этиш агарда улардан бирортаси учун хам шахс судланган булмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади".

Агар суд айибдорга суд айибдорга жазо тайинлашда ЖК.нинг 57-моддасини куллашни зарур деб топса, буни биринчи боскичда, яъни хар кайси жиноят учун алохида жазо тайинлашда хал килиши лозим.

Иккинчи боскичда суд тегишли жазо турини белгиловчи Жиноят кодекси Умумий кисми моддаларида белгиланган доирада айрим жиноятлар учун тайинланган жазоларни тула ёки кисман кушиш йули билан айибдорга у содир этган бирча жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлайди. Шундай килиб, жарима (ЖК.нинг 44-моддаси) энг кам ойлик иш хакининг юз баравар микдори, ахлок тузатиш ишлари (ЖК.нинг 46-моддаси) – уч йил муддат доирасида ва хокозо тайинланиши мумкин. Масалан, айибдор икита жиноятни содир этиб, суд бир жинояти учун бир йил, иккинчи жинояти учун икки йил муддатга ахлок тузатиш ишига хукм килиб, иш хакидан йигирма фоиздан ушлаб колишни белгилаган булса, жиноятларнинг хар бири учун тайинланган муддатларни кисман кушиш оркали жиноятлар мажмуи тарикасида иш жойи буйича унинг жазо муддатларини кушиш йули билан икки

ярим йил, тула кушиш йули билан уч йил муддатга ахлок тузатиш ишига хукм килиши ва иш хакидан йигирма фоиздан ушлаб колишни тайинлайди. Чунки ЖК.нинг 46-моддасига кура, жиноят содир килган шахсларга нисбатан ахлок тузатиш ишлари уч йилдан ортик муддатга тайинланиши мумкин эмас. Масалан, содир этилган иккита жиноятдан бири учун суд айибдорга иш жойи буйича унинг иш хакидан ун беш фоизни ушлаб колиш билан бир йил ахлок тузатиш ишлари, бошка жинояти учун хам иш жойи буйича унинг иш хакидан йигирма беш фоизни ушлаб колиши билан бир йил ахлок тузатиш ишлари тайинланган. Жиноятлар мажмуи тарикасида суд айибдорга иш жойи буйича бир йил мобойнида иш хакидан йигирма беш фоизни ушлаб колиши билан бир йил ахлок тузатиш ишлари тайинланган. Жиноятлар мажмуи тарикасида суд айибдорга иш жойи буйича бир йил мобойнида иш хакидан йигирма беш фоизни яна бир йил давомида 15 фоизни давлат фойдасига ушлаб колиш билан икки йил ахлок тузатиш ишлари тайинланган.

Содир этилган жиноятлар учун суд айибдорга хар хил турдаги жазоларни тайинлаши мумкин. Масалан, битта жиноят учун озодликдан махрум килиш, бошкаси учун ахлок тузатиш ишлари, камок ёки жарима ва х.к. жиноятлар мажмуини ташкил этувчи айрим жиноятлар учун турли хил жазоларни кушиш масаласи ЖК.нинг 59-модда 2-кисмида куйидагича хал килинган: "Жиноятлар мажмуи тарикасида хар хил турдаги жазоларни кушиш йули билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган коидаларга амал килиниб, жазонинг огиррок тури узил-кесил тайинланади". ЖК.нинг ушбу моддасига кура, хар хил турдаги жазоларни кушганда озодликдан махрум килинишининг бир куни:

а) камок ёки интизомий кисмга жунатишнинг бир кунига;

б) ахлок тузатиш ишлари ёки хизмат буйича чеклашнинг уч кунига тугри келади.

Жарима ёки муайян хукукдан махрум килиш тарикасидаги жазолар озодликдан махрум килиш, интизомий кисимга жунатиш, хизмат буйича чеклаш, ахлок тузатиш ишлари жазолари билан кушилганда хар кайсиси алохида ижро этилади.

Агар 1959 йили кабул килинган Узб. Рес. Жиноят кодексида бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда, жазони енгилрогини огирроги билан коплаш мумкин булган булса, амалдаги жиноят жиноят кодекси буйича енгилрок жазони огирроги билан коплаш усули назарда тутилмайди. Бунга карамай, суд баъзи холатларда жиноятлар мажмуи тарикасида узил-кесил жазо тайинлашда битта жазони бошкаси биланкоплаш йулини куллашга тугри келади. Масалан, жиноятлар жамини ташкил этувчи иккита жиноятдан бири учун суд айибдорга энг кам ойлик иш хакининг эллик баравари микдорида жарима, бошкаси учун энг кам ойлик иш хакининг юз баравари микдорида жарима тайинланган. Жиноятлар мажмуитарикасида суд айибдорга энг кам ойлик иш хакининг юз бараваридан куп булмаган микдорда жарима тайинланиши мумкин холос, чунки ЖК.нинг 44-моддасига кура ушбу жазо турининг энг куп кисми энг кам ойлик иш хакининг юз бараваригача микдорда белгиланган.

Агар шахс бир жинояти учун жазони утаётганида унинг шу хукмга яна бошка бир жиноятда айибли эканлиги аникланса, жазо 59-модда тартибида тайинланади. Амалиётда бундай холатлар куп учрайди. Масалан, фукаро А. 1995 йил июнь ойида безорилик учун озодликдан махрум килишга хукм килинган эди. Судланишдан бир йил утгандан кейин хукукни мухофаза килиш органлари томонидан фукаро А. нинг 1995 йил май ойида фирибгарлик жинояти содир этганлиги аникланганi. Мазкур вазиятни жиноятлар мажмуи тушинчаси тула камраб олади, чунки бир шахс томонидан иккита хар хил жиноят содир этилган ва улардан биттаси учун жиноятчи судланмаган ва хар иккаласини биринчи хукмга содир килган. Шунинг учун бундай холатларди жазо жиноятлар мажмуи тугрисидаги коидаларга кура тайинланади. Бу хакдаЖК.нинг 59-моддаси 4-кисмида: "Агар иш буйича хукм чикарилганидадан кейин махкумнинг биринчи иши буйича чикарилган хукмга яна бошка жиноятда айибли эканлиги аникланса хам жазо уша **ЖК.нинг 59-моддасида белгиланган.**

ЖК.нинг 59-модда 4-кисмида курсатилган холатда жазо куйидагича тайинланади: дастлаб суд ЖК.нинг 54-моддасида белгиланган коидалар буйича янги очилган жиноят учун жазо тайинлайди, кейин ЖК.нинг 59-моддасида белгиланган коидалар буйича, яънифирибгарлик ва безорилик учун тайинланган жазоларни тула ёки кисман кушиш билан суд жиноятлар жами тарикасида жазо тайинлайди. Шундан сунг жиноятлар мажмуи тарикасида

тайинланган жазодан биринчи хукм буйича жазонинг уталган кисмини махкум яна кайтадан утамайди. Чунки катъий тайинланган жазонинг шу кисми утаб булинган хисобланади.

## 6. 6. Бир неча хукм юзасидан жазо тайинлаш.

Агар бир жиноятчи учун хукм чикарилгандан кейин шахс жазони уташ муддати давомида янги жиноят содир этса, махкумга бир неча кунлар юзасидан ёки хукмлар мажмуи буйича жазо тайинланади. Махкумга бир неча хукмлар юзасидан жазо тайинлаш учун биринчи хукм буйича тайинланган жазони тула утаб булмасдан содир этилган булиши керак. Масалан, фукаро А. 1995 йил 20 май куни ЖК.нинг 169-моддаси 3-кисмида курсатилган жиноятни содир этгани учун 6 йилга озодликдаен махкум килинган эди. Хукм чикарилганидан бир йил утиб А. озодликдан махрум килиш жойида ЖК.нинг 104-моддаси 1-кисмида курсатилган жиноятни содир этган. Бундай холда унга ЖК.нинг 60-моддаси тартибида бир неча хукмлар юзасидан жазо тайинланади. ЖК.нинг 60-моддасида бир неча хукмлар юзасидан жазо тайинлаш куйидагича белгиланган: "Агар махкум хукм чикргандан кейин жазони тула утамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги хукм буйича тайинланган жазо муддатига илгариги хукм юзасидан уталмай колган жазо муддатини тула ёки кисман кушади".

ЖК.нинг 60-моддасида бир неча хукм юзасидан жазо тайинлаш коидалари аник курсатилган. Шу билан бирга бу модданинг айрим холатлари изох беришни талаб килади.

Жумладан, ЖК.нинг 60-моддаида янги жиноят махкум томонидан содир этилиши хакида айтилади. ЖК.нинг 77-моддасига кура, шахсни судланган ва махкум деб хукм конуний кучга кирган кундан бошлаб хисобланади. ЖК.нинг 60-моддасида "Махкум" атамасидан фойдаланиш ЖК.нинг 60-моддаси коидалри буйича жазо тайинлашни назарда тутуди деган нотугри фикр уйготиш мумкин. Аслида эса бу хакда ЖК.нинг 60-моддасида тугри курсатилган, хукм чикарилган ва у эълон килинганидан кейин янги жиноятни содир этиш муносабати билан жазо тайинлаш дазарда тутилган. Суд амалиётида ушбу конун айнан шундай тушинилади ва кулланилади. Масалан, фукаро У. Кушниси К. нинг баданига енгил шикаст етказгани учун жК.нинг 109-модда 2-кисми билан хукм килиниб иш хакидан йигирма фойизини ушлаб колиш ва жазони уз иш жойида уташни белгилаб икки йил муддатга ахлок тузатиш ишларига хукм килинган. Хукм эълон килинганидан кейин У. Маст холатда уйга кайтиб келиб, кушниси К.ни яна уриб унинг баданига уртача огир шикаст етказган. Бу жинояти учун суд айибдорга ЖК.нинг 105-модда 1-кисми билан уч йилга озодликдан махрум килишни тайинлаган, хукмлар жами тарикасида эса ЖК.нинг 60-моддаси асосида фукаро У.га уч йилу саккиз ой муддатга озодликдан махрум килиш жазосини тайинланган ва жазони умумий тартибда колонияда уташни белгилаган.

ЖК.нинг 60-моддасида принципиал ахамиятга эга булган жазоларни кушиш коидаси белгиланган. Унинг ахамияти шундаки, уталмаган жазога янги тайинланган жазо эмас, янги жиноят учун тайинланган жазога биринчи хукм буйича уталмаган жазо кушилади ва махкум у содир этган барча жиноятлари учун хукмлар жами тарикасида тайинланган жазони уташни бошлайди. Агар айибдор хукм эълон килингандан кейин бир неча жиноятларни содир этган булса, суд аввал жиноятлар мажмуи тарикасида жазо тайинлаб, унга олдинги хукм буйича уталмай колган жазони тула ёки кисман кушади. Узб. Рес. амалдаги жиноят конуни хукм буйича тайинланган жазони енгиллаштиришга рухсат беради (аминисия), афв этиш асосида ЖК.нинг 74-моддасида курсатилган асосларга кура ва бошкалар). Суд амалиётида бу билан боглик: "Жиноят учун тайинланган жазога кайси жазони кушиш керак – аввалги кун буйича тайинланганиними ёки енгилрогиними?" деган савол пайдо булади.

## 17-мавзу: СУДЛАНГАНЛИК.

Судланганлик содир этилган содир этилган жиноят учун жазони утайшини хукуий окибати булиб шахсга жиноя-хукукий ва умумий хусусиятга эга булган маълум чеклашларни юклаш билан бирга боглик.

Шахс олдинги жинояти учун судланганлик мйддати утмасдан янги жиноят содр этгандагина судланганлик унинг учун жиноят хукукий ахамитягаэга булади. судланганлик

1. 1. жазо тайинлашда огирлаштурувчи холат сифатида эътиборга олинади.
2. 2. умумий, хавфли ва ута хавфли реакцив жиноят деб хисоблашга асос булади.(Ж.К.34-модда)
3. 3. алохида тартибда жазо тайинлашга сабаб булади.
4. 4. Конкрет жиноят таркибининг огирлаштурувчи белгиси хисобланади(666-моддаи 3-к а)
5. 5. шахсга нисбатан жиноий жавогарлик озод килиш тугрисидаги нормалар куллаш мумкин булмайди.
6. 6. муайян тоифадаги (огир ва ута огир) жиноятлар учун судланувчилик махкумнинг муддатдан олдин шартли равишда жазодан озод килиш масаласини хал килишда у амалда утган муддатни купайтирилади.(Ж.К.73 модда 3-К «Б-В»банд)
7. 7. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиига караб ижтимоий хавфли ката булмаган, огир, ута огир жигоятлар учун жавобгарллика тортиш муддатларни хисоблашга таъсир курсатади.(Ж.К. 64-модда).
8. 8. Муайян огирликдаги жиноятлар учун суд судланганлик суд томонидан жазони уташ калонаси тартиб турини таънлашга таъсир курсатади (Ж.К.нинг 50-моддаси).

Судланганликнинг умумий хукукий окибатлари:

биринчидан шахс расмий анкеталар тулдиради, судланганлиги хакида ёзиб куйишга мажбур.

**иккинчидан** шахсларнинг узига хос хусусиятига биноан судланганни турар жойи, танлаш эркинлигининг чегаралаш учун асос булиб хизмат килиши мумкин.

**учинчидан**. шахснинг судланганлиги унинг хукукий мухофаза килиш органларида айрим муносабатларни (прокуратура, терговчи, прокурор, судья ва хокозо) эгаллашларига тускинлик килиши мумкин.

**туртинчидан**. айрим тоифадагир судланганлар устидан маъмурий назорат урнатилади.

Судланганлик холати тугалланганида шахс судланмаган деб топилади.

Судланганлик холатини тугалланиши икки шартга боглик.

**биринчидан**. Жазони утаб булган ва ундан озод килинган кундан бошлаб, конунда белгиланган муддатнинг утганлиги талаб килинади.

**иккинчидан**. Судланганлик холатини тугалланган деб топиш учун шу муддатлар ичида шахснинг янг жиноят содир этмаслиги талаб килинади

ШАХС:

а) шартли хукм килинганларга нисбатан синолв муддати тугаган кундан бошлаб;

б) хизмат буйича чеклаш интизомий кисмга жиноятнинг субъекти белгиларини куйидагича таснифлаш мумкин;

1. 1. Фукорлиги
2. 2. демографик белгилари (ёки жинси)
3. 3. мансаби
4. 4. харбий хизматига алокадорлиги
5. 5. бажараётган иши

6. 6. касбий мажбуряти
7. 7. шахс мажбуриялари
8. 8. субъектининг асосий холатлари (пеакциявист,хавфли реаукциявист)

Бу тасниф тахминий.

## 18-мавзу: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

### 1. 1. Вояга етганларга тайинланадиган жазо ва унинг тушинчаси.

Узб. Рес. Жиноят кодексининг 86-моддасида курсатилишича суд вояга етганларга жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал килади, вояга етганнинг ривожганланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соглигини содир этган жиноятнинг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошка холатларнинг унинг шахсига таъсиринги хисобга олади.

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг узига хос хусусиятлари булиб, вояга етмагналар жавобгарлигини алохида ажратиб укитилмасдан уни батафсил урганишнинг иложи булмйди.

Судлар вояга етмаганларнинг жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов ишларини сифатли ва пухта олиб борилишини, вояга етмаганларнинг шахсини ифодаловчи маълумотларни, уларнинг яшаш шароити, тарбияси, жиноят содир килиш мотивлари, жиноят содир этишга олиб келган шароит ва сабаблар тула ва хар томонлама аниклашини талаб килишлари керак. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг узига хос хусусияти шундаки, уларга жазо тайинлашда хар доим жавобгарликни енгиллаштрувчи холат хисобланади.

Суд вояга етмагналарга жазо тайинлашда уларнинг аклий ва жисмоний ривожланганлик даражасини хисобга олади.

Айрим холларда вояга етмаган ёшлардаги мактончоклик, шухлик, узини курсатиш, "энди у кичкин бола эмас"лигини курсатиб куйиш каби хусусиятлари ижтимоий хавфли тус олиши, бу жиноят эканлигини сезмай колиши хам мумкин.

Конун чикуарувчи орган инсонпарварлдик принципига асосланган холда уларнинг ёши, ижтимоий – рухий ривожланиши, болаликдаги шухлик хусусиятларини бировга озор келтириш билан жиноят уртасидаги аник чегарани бузмаслиги, у ёки бу ахлокий – хулкий эстетик тушинчаларни сохта тассовур киладиган ёшда эканлигини эътиборга олиб, ЖК.нинг 86-моддасида озодликдан махрум килишнинг хамда бир неча жиноятлар ва бир неча хукмлар юзасидан тайинланадиган жазоларнинг энг куп микдорини катта ёшдагиларникига нисбатан анча паст белгиланади. Яъни, 13 ёшдан 16 ёшгача булган вактда жиноят содир килган шахсларга нисбатан жиноятлар жами тариукасида жазо тайинланганда, озодликдан махрум килишнинг энг куп муддати ун йилгача, агар содир этган жиноятларнинг биттаси ута огир жиноят булса, 12 йилгача муддатга тайинланади.

### 2. 2. Вояга етмаганларга нисбатан кулланиладиган жазо тизими.

Судлар жиноят содир килиш пайтида 18 ёшга тулмаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ЖК.нинг Махсус моддаси санкцияси доирасида курсатилган муддат доирасида эмас, балки ЖК. 82-85-моддаларида назарда тутилган муайян жазо тури доирасида тайинланади. Вояга етмаган жиноят содир килган шахсга жарима жазоси тайинланар экан, унга моддий маънодаги чора куллаш оркали тарбиялаш максад килинади. Жарима жиноий жазоларнинг энг енгил тури булиши билан бирга анча яхши таъсир киладиган жазо туридир. Шунинг учун суд вояга етмагналарга жазо тайинлар экан, энг аввало енгилрок жазо турини, жумладан, жарима жазосини куллаш асослари бор ёки йуклигини куриши керак.

Узб. Рес. 1994 йилида кабул килинган янги Жиноят кодексининг 85-моддасига мувофик озодликдан махрум килиш жиноят содир этган пайда 13 ёшдан 16 ёшгача булаган шахсларга нисбатан:

а) унча огир булмаган жиноят учун – уч йилгача;

б) огир жиноят учун – олти йил;

в) ута огир жиноят учун – ун йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан махрум килиш жиноят содир этиш пайтида 16 ёшдан 18 ёшгача булган шахсларга нисбатан:

а) унча огир булмаган жиноят учун – турт йилгача;

б) огир жиноят учун – етти йил;

в) ута огир жиноят учун – ун йилгача муддатга тайинланади.

Хукм чикариш пайтида 18 ёшга тулган шахсларга нисбатан озодликдан махрум килиш жазосини умумий ёки кучайтирилган тартибла тарбий коллонналарида уташ тайинланади.

Озодликдан махрум килишга хукм этилган вояга етмаган эркакларга нисбатан:

а) озодликдан махрум килишга биринчи мартта хукм килинган булса, жазони умумий тарбиявий колинниярларда;

б) илгари озодликдан махрум килиш жазосини утаб чиккан булса, жазони келтирилган тартибла тарбия колонияларида уташ тайинланади.

Озодликдан махрум килишга хукм этилган вояга етмаган аёлларга нисбатан жазони умумий тарбиявий тарбия коллонналарида уташ тайинланади.

## 19-мавзу: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД КИЛИШ.

### 1. 1. Вояга етмаганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод килиш тушинчаси ва турлари.

Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод килиш узига хос хусусиятларига эга булгани учун Жиноят кодексида алохида бобда ажратилиб, Улар жавобгарлигининг узига хос хусусиятлари назарда тутилади. Бизнинг фикримизча, конун чикарувчи орган вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги жиноий жавобгарлик ва жазодан озод килишни алохида ажратиб (ЖК.нинг 6-булими) тугри килган. Чунки шаклланишнинг жараёнида булган шахсларнинг дунёкараши шакилланган, огир жиноятларни содир килган шахснинг бузилиш даражаси чукирлашиб кетган махкумлар билан бир хилда жазо тайинланиши ва жазони улар билан биргаликда уташи улар шахснинг гоят тез фурсат ичида бузилиб кетишига сабаб булиши мумкин. Ушбу мавзу буйича тадкикот ишлари олиб борган олимларнинг такидлашлари буйича, огир ва узок муддатли жазо турлари вояга етмаган шахсларни тарбиялаш урнига улардаги яхши инсоний фазилатлар уз ахамиятини йукотиб куйиши мумкин. Шунингдек огир жазо чораларини куллаш оркали ЖК.нинг 2 ва 54-моддаларида назарда тутилган максадларга эришиб булмайди.

Вояга етмаганларга нисбатан конун чикарувчи органнинг бундай инсонпарварлик билан муносабатда булиши шакилланиш даврида вояга етмаганлар жиноят йулига утиб колган шахсларни «тиканли сим ортидаги хаёт»нинг салбий таъсиридан уларни саклаб колиш, имкони борича улар шахснинг бузилиши чукирлашишининг олдини олишдир.

### 2. 2. Мажбурлов чораларини куллаган жавобгарликдан ёки озодликдан махрум килиш.

87-модданинг мазмунига кура вояга етмаганларги мажбурлов чорасини куллаган холда жавобгарликдан озод килиш учун:

1) мажбурлов чорасини куллаш масаласи хал килинаётган вактда айибдор вояга етмаган булиши;

2) содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги катта булмаслиги;

3) 3) шахс биринчи марта жиноят содир этган булиши керак.

Ана шу учта шартнинг барчаси бирданига мавжуд булсагина мажбурлов чораларини куллаб жавобгарликдан озод килиш мумкин.

Ижтимоий хавфи катта булмаган жиноят тушинчаси ЖК.нинг 15-моддасида берилган булиб, ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятларга конунда озодликдан махрум килишга нисбатан енгилрок жазолар назарда тутилган жиноятлар, масалан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чикиб, касддан баданга огир шикаст етказиш (107-модда; кастддан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда); эхтиётсизлик оркасида баданга уртача огир шикаст етказиш (111-модданинг биринчи кисми) ва хокозолар киради.

Вояга етмаганга мажбурлов чорасини куллаб жавобгарлик ёки жазодан озод килишда, унинг аклий ва жисмоний ривожланиш даражаси, атрофида содир булаётган вокеа-ходисаларга муносабати, жиноятни шухлик туфайли килганлиги, килмишнинг хукукий мохиятини тушинмаганлиги, у ёки бу ахлокий, хулкий, эстетик тушинча ва принципларни сохта тушиниши кабилар эътиборга олиниши керак.

### 3. 3. Мажбурлов чоралари.

Мамлакатимизда жиноят-хукукий сиёсатиннг инсонпарвар- лиги жиноий жазо урнига, жиноий жазо хисобланмаган мажбурлов чораларини куллаш сиёсатидир. Бу сиёсатнинг жиноят конунининг узида ифодасини топганлиги хам сиёсий, хам амалий ахамиятга эгадир.

Мажбурлов чораси давлатномидан суд томонидан кулланиб, уни бажаришга айибдорнинг узи ва тегишли давлат органлари мажбурдир.

ЖК.нинг 88-моддасида вояга етмаганларга нисбатан куйидаги мажбурлов чораларини куллаш назарда тутилган:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчида узр сураш мажбуриятини юклаш;

б) ун олти ёшга тулган шахс зиммасига етказилган зарарни уз маблаги хисобидан ёки мехнати билан тулаш ёки бартараф килиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш хакининг ун бараваридан ошиб кетмаган булса кулланилади. Бошка холларда етказилган зарар фукаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади;

в) вояга етмаганини махсус укув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

### 4. 4. *Жазони уташдан муддатдан илгари шартли равишда озод килиш.*

Жазони уташдан муддатидан илгари шартли равишда озод килиш тарбия колонияси маъмурияти ва вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиянинг биргаликда берган такдимномасига биноан вояга етмаган шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган дастлабки жазони у тула утаб булмасдан, жазонинг колган кисмини уташдан озод килишдан иборат.

ЖК.нинг 89-моддасига кура ун саккиз ёшга тулмасдан содир этган жинояти учун озодликдан махрум килишга ёки ахлок тузатиш ишларига хукм килинган шахсга нисбатан жазони уташдан муддатидан илгари шартли равишда озод килиш тартиби кулланилиши мумкин.

ЖК.нинг 89-моддасининг мазмунига кура вояга етмаганни жазони уташдан муддатидан илгари шартли равишда озод килиш учун куйидагилар асос булади:

1) 1) жазони уташ тартиб-коидаларини бажарганлиги;

2) 2) мехнатга халол муносабати;

3) 3) укишга халол муносабати;

4) 4) жазонинг конунда курсатилган кисмини утаб булганлиги.

Вояга етмаганларни жазони уташда муддатидан илгари шартли равишда озод килиш суд томонидан тайинланадиган жазонинг:

а) ижтимоий хавфи катта булмаган ёки унча огир булмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир кисми;

б) огир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида ярими;

в) ута огир жиноят учун, шунингдек, кастдан содир этган жиноят учун шахс илгари кастдан содир этган жиноят учун озодликдан махрум этишга хукм килиниб, тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки кисми хакикатда утаб булингандан кейин кулланилади.

### 5. 5. *Жазони енгилроги билан алмаштириш.*

ЖК.нинг 90-моддасига мувофик 18 ёшга тулгунча содир этган жинояти учун озодликдан махрум килиш ёки ахлок тузатиш ишига хукм килинган шахсга нисбатан жазонинг уталмаган кисми енгилрог жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Енгилрог жазо билан алмаштириш деганда хукм буйича тайинланган бир турдаги жазонинг колган кисмини, уша жазога нисбатан бошка енгилрог турдаги жазо билан алмаштириш тушинилади. Масалан, озодликдан махрум килишнинг коган кисмини ахлок тузатиш иши билан алмаштириш мумкин.

ЖК.нинг 81-моддасида белгиланишича, 18 ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсларга куйидаги асосий жазо турлари кулланилади:

а) жарима;

б) ахлок тузатиш ишлари;

в) камок;

г) озодликдан махрум килиш;

ЖК.нинг 81-моддасида назарда тутилган жазо тизимига кура, ахлок тузатиш ишидан енгилрог булган жазо – жаримадир.

Жазонинг уталмаган кисмини енгилроги билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта булмаган ёки унча огир булмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг туртдан бир кисми;

б) огир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир кисми;

в) ута огир жиноят учун, шунингдек кастдан содир этган жиноят учун озодликдан махрум килишга хукм этилиб, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини хакикатда утаб булганидан кейин кулланилиши мумкин.

Озодликдан махрум килиш жазосининг уталмаган кисми ахлок тузатиш иши билан алмаштирилганда ахлок тузатиш иши шу турдаги жазо учун белгиланган муддатлар доирасида тайинланади ва бу муддат озодликдан махрум килиш жазосининг уталмаган кисмидан ошмаслиги керак. Масалан, айтайлик, вояга етмаганга тайинланган озодликдан махрум килишнинг колган муддати саккиз ой булса ва у ахлок тузатиш иши жазосининг муддати саккиз ойдан куп булмаслиги керак.

## 20-мавзу: ТИББИЙ ЙУСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ.

### 1. 1. Мажбурлов чоралари тушинчаси ва максади.

Узб. Рес. Жиноят кодекси 92-моддасига мувофик, ижтимоий хавфли килмишни аклинорасолик холатида ёки хукм чикарилгунча ёхуд жазони уташ вактида рухий касалликка чалинганлиги окибатида уз харакатларининг ахамиятини англамаслик ва уз харакатларини бошкара олмаслик холатида содир этган шахсга нисбатан, агар у рухий холати ва содр этган килмишининг хусусиятига кура жамият учун хавфли деб топилса, суд тиббий йусиндаги мажбурлов чоралари тайинлаши мумкин.

Тиббий йусиндаги мажбурлов чораси жиноий жазодан фарк килиб, судланганлик холатини келтириб чикармайди. Агар гиёхвандлик, алкоголизм ёки захарвандлик касалига йуликкан шахсларга нисбатан жиноий жазо куллаш билан бирга тиббий йусиндаги мажбурлов чораси хам кулланилган булса, судланганлик ва судланганликни олиб ташлаш муддатларини хисоблашда тиббий йусиндаги мажбурлов чорасининг муддати эътиборга олинмайди. Агар шахс жазони уташ вактида рухий касалга чалинганлиги учун жазодан озод килинган булса, унинг судланганлиги жазони хакикатдан уталган кисмидан хисобланади.

### 2. 2. Тиббий йусиндаги мажбурлов чораларининг турлари ва уларни куллаш асослари.

Узб. Рес. жиноят конунига мувофик ижтимоий хавфли килмишни акли норасолик холатида ёки хукм чикарилгунга кадар ёхуд жазони уташ вактида рухий касалликка чалинганлиги окибатида уз харакатининг ахамиятини англамаслик ва уз харакатларини бошкара олмаслик холатида содир этган шахсга нисбатан, агар у рухий холати ва содир этган килмишининг хусусиятига кура жамият учун хавфли деб топилса, суд томонидан куйидаги тиббий йусиндаги мажбурлов чораларидан бирини тайинлаш мумкин:

а) мажбурий амбулатория кузатувида булиш ва рухий касаллик мутахасисида даволаниш;

б) умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасининг согликни тиклаш махсус булимида мажбурий даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида ёки булинмасида мажбурий даволаниш.

### 3. 3. Алкоголизм, гиёхвандлик, захарвандликка йуликкан шахсларга нисбатан тиббий йусиндаги чораларни куллаш.

Маълумки, алкоголизм гиёхвандлик ва захарвандликка йуликиш маълум даражада айрим турдаги жиноятларнинг содир булишидаги асосий шартлардан бири булиб колиши мумкин.

Юкорида санаб утилган озодликдан махрум килинганва камок жазосига хукм килинган шахсларга жазони уташ жойида даволанишлари шарт. Агар жазодан озод килинганидан кейин даволанишини давом эттиришга зарурат пайдо булса, ундай холда умумий тартибли тиббий муассасада даволанишини давом эттириши ширт.

Алкоголизм, гиёхвандлик ёхуд захарвандликдан мажбурий даволанишини бекор килиш шахс даволанаётганда тиббий муассаса такдимномасига асосланган холда суд томонидан амалга оширилади.

ЖК.нинг 72-моддасига мувофик алкоголизм, гиёхвандлик ва захарвандликка йуликкан шахсларнинг жазони уташдан муддатидан илгари шартли озод килишда бундай шахс суд томонидан тайинланган даволаниш курсларидан тулик утиши шарт.